

Ю 34103
21

Жалолиддин РУМИЙ

**МАСНАВИЙ
ҲИКОЯЛАРИДАН
ДАРСЛАР**

40 ҳикояга
40 шарх

1

Жалолиддин Румий


МАСНАВИЙ ҲИКОЯЛАРИДАН ДАРСЛАР

40 ҳикояга 40 шарх

Биринчи китоб

Нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи:

Абдумурод Тилавов



Тошкент
“Муҳаррир нашриёти”
2010

84(0)9 Ташарғаң арад

Жалолиддин Румий. Маснавий ҳикояларидан дарслар// 40 ҳикояга 40 шарҳ, 1-китоб (Нашрға тайёровчи ва изоҳлар муаллифи: Абдумурод Тилавов); Тошкент, «Муҳаррир нашриёти», 2010 йил. 104 бет.


«Маснавий»ни шарҳ билан ўқиши ўқувчи тафаккурини кенгайтиради, Румий ижодига ихлосини кучайтиради.

Мазкур китобни тайёrlашида бирламчи манба сифатига профессор Маҳмуд Темирчининг «Маснавий»га ёзган шарҳларидан, шунингдек, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Аҳмад Яссавий, Бобораҳим Машраб, Сўфи Оллоёр каби мумтоз шоирларнинг, айрим ўринларда кейинги давр ижодкорларининг асарларидан ва, хусусан, ўзбек халқ мақолларидан фойдаланилди.

10 34103
2/1

Масъул муҳаррир:
Нажмиддин Комилов,
филология фанлари доктори, профессор

Тақризчи:
Ҳамидулла Болтабоев,
филология фанлари доктори, профессор



ISBN 998-9943-354-71-5

© «Муҳаррир» нашриёти,
Тошкент, 2010

"МАСНАВИЙ" ҲИКОЯЛАРИДАН САБОҚЛАР

Мавлоно Жалолиддин Муҳаммад бинни Баҳоуддин Валад Балхий Румий (1207-1273) ҳақида сўз кетаркан, Абдураҳмон Жомийнинг аниқ ва қисқа таърифи ёдга келади:

*Ман чи гўйам васфи он олийжаноб,
Нист пайғамбар vale гораг китоб.*

(Таржимаси: Мен улуғ жаноб васфида не дей,
Пайғамбар эмас, лекин китоби бор).

Алишер Навоий Жомийнинг далолатига таяниб, "Насойиму-л-муҳаббат"да Мавлонода жуда эрта валийлик зуҳур бўлганини қутидагича таърифлаган: "Жалолиддин Муҳаммад Балхий олти ёшида одина куни неча атфол ила бизинг уйларнинг томларида сайр қилур эрмишлар. Алардин бири яна бирита дебтурки, келинг бу томдин яна бир томфа секрели. Ул дебтурки, бу ҳаракат ит ва мушук ишидир. Ҳайф бўлғайки, одами анга муртакиб бўлғай. Агар сизинг жонингизда қуввате бўлса, осмон томифа секрели. Ва бу ҳолатда томдин ҳаво тутубтур. Ончаки, алар кўзидин фойиб бўлубтур. Атфол изтиробдин қичқиришибтурлар ва йиглабтурлар. Бир лаҳзадан сўнгра кўзи мутагайирип ва ранги ўзгача қайтиб, ҳамул томфа тушубтур. Атфолга дебтурки, ул соатки сизга ул сўзни айтадур эрдим, кўрдумки, яшил кисватлилар мени сизинг орангиздин сирмадилар ва кўтариб осмонфа элттилар ва малакут ажойибин манга кўргуздилар. Чун сизларнинг фифон ва фарёдингиз чиқти, яна бу ерга тушурдилар".¹

Ушбу ривоятнинг реал асосларини излашдан кўра, беш ёшли гўдакнинг "агар қуввате бўлса, осмон томифа секрели" деган жаҳдини тан олсак, Мавлононинг кейинроқ

¹ Алишер Навоий. Насойиму-л-муҳаббат. /Муқаммал асарлар тўплами/ 17-жилд: - Т.: 2001. - Б.211.

ўзининг "Маснавий"сида "Учмоққа қанот йўқ вале учгаймен" деган азиматининг сабабларини ҳам англашга турткি топамиз².

Бу буюк китоб ўн йиллар чамаси муддат оралифида яратилиб, Мавлоно вафотидан тўрт йил аввал 1269 йилда ёзиб тамомланди. Бунга қадар ўтган ўн йил мобайнида узилишлар (ҳижрий 660-662 йиллар), уйқусиз тунлар (бу ҳақда 1-жилднинг 1807-1808 байтларида хабар бор), очинтўқин ҳолига қарамай маънавий луқма билан кифояланиш (1-жилднинг 3990-3994 байтлари) каби ҳолатлар кузатилди ва машаққатли меҳнатнинг натижаси ўлароқ буюк асар дунёга келди. Араб-форс эпик достончилиги усули бўлган маснавий шаклида ёзилган бу асарни олимлар дидактик достон (Е.Э.Бертельс), ҳамосий (эпик) шеърлар мажмуаси (Т.Пурномдориён), ирфоний китоб (Р.Никольсон), тасаввуф қомуси (А.Шиммел) каби сифатлар билан атаб, унинг жанрий ўзига хослигини белгиламоқчи бўлдилар.

Маснавий шарҳида юзлаб китоблар яратилди. Султон Валад, Аҳмад Афлокий ва Фариудун Сипаҳсолор шарҳларидан сўнг Шамъий (ҳижрий 1000 йил), Сарварий (ҳижрий 1001 йил), Исмоил Анқаравий (XI аср) кабиларнинг турк тилидаги, Мавлоно Шиблий Нуъмоний (1326), "Баҳрул-улум" лақабли Абдуали (XIII аср)нинг урду тилидаги ва Ҳанифа Абдулҳакимнинг урду ва инглиз тилларида шарҳлари эълон қилинди. Farb дунёсида Маснавий тадқиқи билан машғул бўлганлар орасида Р.Никольсон, Х.Риттер, Ж.К.Фербервагел, А.Шиммел, Е.А.Браун, Х.Этне, Х.Мессе, Б.Спулер каби олимларнинг ишлари маълумdir.

"Маснавии шариф"ни форсийдан туркчага Сулаймон Наҳифий ўз вазнида (1150), Обиддин Пошо, Валад Ўзбудак, Митҳат Баҳори Байтур насрда изоҳли таржима қилди. Уни Ашрафу-л-улум ҳинд тилига(1392), Мунший Али

² Жалолиддин Румий. Учмоққа қанот йўқ вале учгайман. Ривоят ва рубоийлар (Форсийдан Жамол Камол таржимаси)-Т.: 1994.-Б.29.

(1241) ураду тилига ўтирди, Юсуф Алишоҳ Чиштий эса урадуда ўз вазни билан таржима қилди. Европада эса дастлаб Жозеф Ҳаммер Пургстал, Фридрих Рукерт (айни шу таржима орқали Гегель "олий Румий"ни таниган), Герман Эте олмон тилига, Ж. Ретхаус, Р.Никольсон, А.Арберри инглиз тилига, Клемен Хуар эса фаранг тилига ўтирган.

Рус тилида Ф.Корш, И.Сельвинский, М.Н.Османов таржималаридан ташқари А.Кримский, В.А.Гордлевский, Н.Мартинович, В.В.Бартольд, А.Мец, Е.Э.Бертельс, И.С.Брагинский каби олимларнинг турли муносабат билан ёзилган тадқиқотлари ва, ниҳоят, Радий Фишнинг китоби орқали Румий дунёсини тушунишга интилганлар.

Ўзбек тилида Ҳайдар Хоразмийнинг "Жавоҳири-л-асрор" идан тортиб Машрабнинг "Мабдайи нур" асаригача "Маснавий" шарҳлари тарзида битилган бир неча китобларни келтириш мумкин. Абдураҳмон Жомий, Давлатшоҳ Ҷамарқандий тазкираларининг ўзбекча таржималари ва 90-йилларга келиб, Ж.Жабборов таржима қилган бир неча разаллар, Жамол Камол таржимасидаги ривоят ва рубоийлар, Улуғбек Ҳамдам ўзбекчалаштирган "Фиҳи мо фиҳи"-нинг "Ичиндаги ичиндадир" номи остидаги таржимаси эълон этилиши ўзбек китобхонларини Румий маънавиятидан баҳраманд бўлишга олиб келди. Ниҳоят, мавзуумизнинг боиси "Маънавий маснавий" дунё юзини кўрди³.

Маснавийнинг шеърий таржимаси шарҳлари билан ўзбек китобхонига етиб келиши чиндан ҳам маънавий ҳаётимизда алоҳида воқеа. Бундан қувонган устоз Н.Комилов уни "ижодий ва тадқиқий иш" деб баҳолайди. Бундан таржимага нисбатан "ижодий" ва шарҳга нисбатан "тадқиқий" деб баҳоланибида-да деган хulosа чиқмаслиги керак. Асқар Маҳкам таржима жараёнида ҳам тадқиқий-қиёсий иш олиб борган, шарҳлаш жараёнида ҳам бошқа тиллардаги изоҳлардан самарали фойдаланган. "Маснавий"дан олинган форс

³ Жалолиддин Румий. Маънавий Маснавий. Таржима шарҳи билан. Таржимон Асқар Маҳкам. - Т.: "Шарқ" нашриёт-матбаа концерни, 1999.

тилидаги байт, унинг ўзбекча шеърий таржимаси, сўнгра "лисоний тárжима" номи билан насрый баёни ҳамда шарҳнинг келтирилиши чиндан ҳам бу давомли ижодий-тадқиқий жараёндан хабар беради. Олти дафтар, 26840 байтдан иборат буюк асарнинг байтма-байт тадқиқи бир неча ўнлаб китобларга жой бўлишини олдиндан сезган ҳолда муаллиф жуда катта ишга қўл урган. Айниқса, ўзига қадар ўзбек тилидаги шеърий (Жамол Камол таржимасининг ҳам бир неча нашрлари бор) таржимани такрорламасликка ҳаракат қилган.

Ушбу мўъжаз китобча орқали тавсия этилаётган ҳикоялар ҳам ахлоқий, ҳам таълимий жиҳатдан характерли бўлиб, уларнинг жамланиши ва ирфоний шарҳлар билан бирга нашр этилиши асарнинг руҳиятидан келиб чиқиб, уни китобхонлар томонидан тўғри қабул қилинишига, асар замирида ётган тасаввуфий тимсол ва талқинларни тушунишга ёрдам беради. Маълумки, Маснавийда шундай байт бор:

Лек, чун мавжи сухан дидӣ латиф,
Баҳри он дони, ки бошад ҳам шариф,

(Чун калом мавжини кўргайсан латиф,
Англагайсан ким унинг баҳри шариф)

Байтнинг зоҳирий мазмуни қўйидагича: "Сўз мавжини гўзал ва жозибали кўрсанг, унинг денгизи ҳам буюк эканини ҳис қилгайсан". Шундай экан, биз таҳсилга киришаётган ҳикоялар сўзларининг гўзал ва жозибали мавжларини ҳис қилиш билан бирга бу улуғ денгиз тубида ётган маъно жавоҳирларини англаш ҳар бир китобхонга насиб этсин.

Ҳамидулла Болтабоев,
филология фанлари доктори,
профессор

Бишнав аз най чун ҳикоят мекунағ,
Аз жудойиҳо шикоят мекунағ.
(Тинглагил, най не ҳикоят айлагай,
Айрилиқлардан шикоят айлагай.)

Жалолиддин Румий

Биринчи дарс

БЕМОР ЖОРИЯ

Қадим замонда бир подшоҳ бор эди. Бир куни у одамлари билан овга борар экан, йўлда гўзал бир жорияни кўриб қолиб, унга ошиқ бўлди.

Ўша давр одатларига кўра бадалини тўлаб, уни саройга олиб келди. Бироқ орадан қўп ўтмай, гўзал жория касал бўлиб қолди, кундан кун шамдай эриб тутай бошлади. Подшоҳ бу ҳолни кўриб жуда сиқилди, чора қидирди, у ёқдан бу ёқقا югурди, аммо фойдаси бўлмади. Ниҳоят, бир масжидга бориб, дуо қилди, саждага бош қўйиб йиглади. Жория соғайиши учун Аллоҳ таолога ёлворди.

Мамлакатдаги доно бир табибни чақиртирди.

Табиб аввал хастанинг юзига қаради, кейин томир уришини текшириб кўрди. Касалликнинг аломатларини сўради.

— Бошқа табиблар ишнинг моҳиятидан бехабарлар, бинобарин, уларнинг фикри-зикри зоҳирда — ташқи кўринишда, — деди.

Табиб касалликни аниқлади, аммо бу ҳақда подшоҳга оғиз очмади.

Беморнинг ҳолидан, инграшларидан унинг кўнгил дардига мубтало бўлганини сезди. Чунончи, ҳеч бир хасталик қўнгил дарди каби оғир бўлмайди.

— Подшоҳим, — деди табиб, — ҳаммани бу ердан узоклаштиринг, атрофда ҳеч ким қолмасин. Мен касал билан ёлғиз қолай, хотиржам ишлай. Беморнинг дардини аниқлаб, шунга қараб бир чора кўрайин.

Хонада подшоҳ амри билан табиб ва bemордан бошқа ҳеч ким қолмади. Табиб bemорнинг бош томонига келиб, мулоийм овозда сўрай бошлади:

— Қайси юртдансан, қаерликсан? Менга айт, чунки ҳар ўлка халқининг дориси бошқа-бошқа бўлади.

— ...

— Мамлакатингда кимлар бор, кимга яқинсан? — деб сўради яна.

Табиб савол сўрар экан, қизнинг томир уришини текшириб турди.

Қиз секин-аста табибга бошидан кечирганларини айтиб берарди. Қизнинг томир уришини кузатаётган табиб шундай қарорга келди: «Бу бечора қиз кимнинг номини тилга олганида ҳаяжонланиб, томир уриши тезлашса, демак, касал бўлиб, шамдай эришига сабабчи ўшадир».

Қиз аввалига туғилиб катта бўлган мамлакати ва у ердаги дўстларини тилга олди. Бироқ томир уришида ҳеч қандай ўзгариш бўлмади. Табиб:

— Юрtingдан айрилгач, қаерларга бординг? — дея сўради.

Қиз бир-шаҳар номини айтди, аммо юзининг ранги ҳам, томир уриши ҳам ўзгармади. Бу ҳол тики табиб Самарқанд шаҳри ҳақида сўрагунга қадар давом этди.

Самарқанд номи айтилганда қизнинг томир уришлари тезлашди, ёноқлари қизарди. Чунки у

Самарқанддаги бир заргарга ошиқ эди. Қиз айрилиқнинг изтиробли оловида ёнаётган эди.

Зукко табиб заргар Самарқанднинг қайси маҳалласида яшашини сўраб биљди. Сўнгра бемор ёнидан чиқиб, тўғри подшоҳнинг олдига бориб аҳволни баён этди:

— Бу бечора қизгинанинг соғайиши учун ўша заргарни олиб келмоқдан бошқа чора йўқ!

Подшоҳ табибининг насиҳатини бажонидил қабул қилди. Ҳеч қанча вақт ўтказмай, заргарни чақириш учун элчи юборди. Элчи Самарқандга бориб заргарни топди. Подшоҳ юборган совғаларни тақдим этди. Подшоҳ чақираётганини эшилтгач, заргар дарҳол йўлга чиқди ва ниҳоят саройга етиб келди.

Заргар подшоҳ ҳузурига олиб кирилди. Подшоҳ заргарга илтифот кўрсатиб, хазинани унга топширди.

Иттифоқо, табиб шундай деди:

— Эй подшоҳ, жорияни заргарга бергинки, касалликдан батамом фориғ бўлсин.

Подшоҳ ой юзли гўзални ўз қўли билан заргарга топширди. Олти ой аҳволидан боҳабар бўлиб турди. Охир-оқибат қиз буткул соғайди («Маснавий», 1-жилд, 35 – 200-байтлар).

Шарҳ:

Шорихлар фикрича, бу ҳикоя маълум маънода инсон ҳолини баён этмоқда. Бу ерда инсон руҳи илоҳий оламдан айрилгандан сўнг замон ичра бошидан кечирган катта можаролар ҳикоя қилинмоқда.

Ҳали бадан яратилемасидан олдин «руҳ» аталмиш бир подшоҳ бор эди. Бу подшоҳ ҳар икки олам мулкининг сultonидир. Унинг йўли бу дунёдан ўтаёттанида у ердаги «нафс» жорияси аталмиш ақл-ҳушдан айиравчи бир гўзални кўрди. Унга телбаларча ошиқ

бўлди ва қул-хизматкор ҳолига тушди. Қисқаси, дунё ҳаваслари-ю эҳтиросларига маҳлиё нафсининг асирига айланди.

Подшоҳ бу жорияга ошиқ, катта мол-дунё эвазига қизни олди. Фақат берилган бойлик аслида кўнгил бойлиги эканини ва бу бойлик билан ўткинчи гўзаликлар эмас, балки ҳақиқий ва абадий гўзалик қўлга киритилишини унуди.

Рұҳнинг вужудга кириб ранг ва тан гўзалигига, орзу-эҳтиёжларига асир бўлиши вужуднинг амрларига эргашиб, тўғри йўлдан айрилиши ва касалла-нишга йўл очади. Бу ҳол истар-истамас руҳга азоб беради. Бир жиҳатдан подшоҳ жориянинг хасталиги баҳонасида ўз дардига даво қидирмоқда. Таассуфки, табиблар бу хил касалликни тушунмайди ва чорасини ҳам билмайдилар.

Нодон табиблар ҳар қандай касалликка чора топамиз, дея кибрланадилар. Аммо маънавий хасталикка йўлиққан жорияни тузата олмайдилар. Чунки улар вужуд ва зоҳирий касалликлар мутахассисидир.

Маънавий касаллиги борларни эса бошқа соҳа мутахассиси бўлмиш ҳозиқ табиблар тузата олишлари мумкин. Шориҳлар фикрича, булар комил муршидлардир.

Ҳар икки табиб-ҳаким учун умумий бўлган ташхис қўйиш воситаси эса хастанинг томирини текшириб кўришдир. Ҳикоядан маълум бўлишича, томир орқали касалликни аниқлаш қадим тиббиётда мурожаат этилган усулдир. Замонавий тиббиётда ҳам шу усул самара беради.

Жориянинг касалланишига сабаб бўлган ишқ олий туйфудир. Ҳақиқий севги боқий бўлган Аллоҳни севмоқдир. Мажозий ишқ – бир фоний вужудни севиш. Мажозий ишқ ҳақиқий ишққа етказади. Ҳа,

мажоз ҳақиқатта элтгувчи кўприқдир. Мажозий аталмиш инсон ишқи ҳам бандани бир кун Аллоҳ мұхаббатига олиб бориши мүмкін. Бу ишқ бир вужуд әхтироси, нафсоний қасаллик, қисқаси, янгиш ва адашган бир истак бўлмаслиги керак.

* * *

"Юсуф ва Зулайҳо" қиссаси асосида суратга олинган фильмда эътиборли лавҳа бор. Ўттиз йил севгисига жавоб ололмай эл-юрт ичидан обрў-эътиборидан айрилган; ниҳоят иймон келтириб тафаккур, ибодат билан машғул Зулайхонинг қўлини Юсуф алайҳиссалом сўраб келадилар. Зулайхонинг жавоби кишини ўйлантиради:

— Юсуфдан узр сўраб қўйинглар, унинг таклифи ни қабул қилолмайман. Ҳозир унга эҳтиёжим йўқ. Менинг қалбимни бошқа нарса эгаллаб олган. Бинобарин, юрагимда унга жой ҳам йўқ...

Бу — ишқи мажозийнинг ишқи ҳақиқийга ўтишининг ёрқин мисолидир, бизнингча.

Дарвоҷе, Зулайҳо бу юксак ишққа эришганига Юсуф алайҳиссалом сабаб бўлганларини англағач, таклифни жону дилдан қабул қиласди.

* * *

Иффатдан йироқ, фақатгина моддий бадан севгисидан иборат мұхаббатга ишқ деб бўлмайди. Бундай ишқ инсонни ҳақиқий ишққа етказмайди.

Жория ҳикояси «Маснавий»даги энг узун мавзулардан биридир. Биз тўхтаган жойдан сўнг воқеанинг давоми ўзига хос тарзда ниҳоясига етади (Қаранг, «Маснавий», 1-китоб, 202-байт).

Иккинчи дарс

МАЖНУННИНГ ЛАЙЛИСИ

Бир подшоҳ Мажнуннинг дали-девона, оввора-ю сарсон бўлиб чўлларда юришининг сабаби билан қизиқди. Лайлини топиб ҳузурига олиб келишларини буюрди. Подшоҳ Лайлини кўриб донг қотди. Сабаби қаршисидаги қоп-қора, оддийгина бир қиз эди. Подшоҳ сўради:

— Мажнунни шу кўйларга соглан Лайли сенмисан ҳали? Ажаб, сенда фавқулодда бир гўзаллик йўқ-ку! Оддий аёллардан ҳеч бир фарқинг кўринмаяпти. Мажнун сенинг нимангта ошиқу бекарор бўлдийкин?

Лайли ҳеч тараддулланмай жавоб берди:

— Подшоҳим, жим бўлинг. Чунки сиз Мажнун эмассиз. Мендаги гўзалликни кўра олишингиз учун сизда Мажнуннинг кўзлари бўлиши ва менга унинг назари ила боқмоғингиз лозим.

Подшоҳ бу ҳақли сўзларга жавобан ҳеч нима дея олмади, жимиб қолди («Маснавий», 1-жилд, 407-байт).

Шарҳ:

Лайли ва Мажнун мумтоз адабиётдаги энг машҳур ишқ ҳикоясиdir. Арабча, форсча, туркча ва бошқа мусулмон ўлка тилларида қайта-қайта назм ва насрда ёзилган. Башарий ишқдан илоҳий ишқقا ўтишнинг, самовий ишқнинг, бефараз севгининг энг кучли рамзи ўлароқ ҳар замон завқ-шавқ билан айтилади. Ҳикояда «Лайли, Лайли!» дея Мавлони топмоқнинг гўзал намунаси бор.

Ҳикоя мазмуни қисқача бундай: Нажд чүлларида Бани Омир қабиласидан Қайс ва Лайли болаликлари-даноқ бир-бирларини яхши күрадилар. Миш-мишлар күпайтагач, Лайлининг онаси қизини чодирига қамаб қўяди. Севгилисими кўролмаган Қайс эса хафагарчиликдан ақл-ҳушини йўқотади ва чўлга равона бўлади. Бир муддатдан сўнг уни Мажнун (девона) деб атай бошлашади.

Қайснинг отаси ўғлининг дардида хабардор бўлгач, Лайлинига совчиликка боради. Бироқ Қайс мажнун, яъни девона деб танилганидан оиласи қизини бермайди. Шундан сўнг отаси ўғлининг соғайиши учун уни Каъбага, дуо этишга олиб боради. У ерда Қайс ўз дардининг янада кучайиши ва ишқи ортишини сўраб дуо қилади. Дуо ижобат бўлади. Отаси ночор уйига қайтади. Мажнун эса чўлларда ёввойи ҳайвонлар билан дўст бўлади. Бу орада оташин ошиқона шеърлар ёзади.

Навфал исмли бир араб беги унинг шеърларини ўқиб, йигитни бу изтиробдан халос этиш ниятида Лайлини отасидан яна бир бор сўрайди. Қизни яхшилик билан ололмагач, қўшин тортиб Лайлининг қабиласи билан жангта киради. Мажнун Лайлини шу қадар қаттиқ севардики, унга тегишли ҳеч бир нарсага зарар этишини хоҳламайди, чунончи, Лайлининг қабиласи бу урушда ғалаба қозонсин, деб дуо қилади. Навфал енгилади. Бироқ мағлубият аламига чидай олмай, қайтадан уруш бошлайди. Бу сафар ғолиб бўлади, аммо Мажнуннинг дуоси ҳақида билгач, қизни олмай ортга қайтади.

Лайлини Ибн Салом исмли бир кишига турмушга берадилар. Лайли эса ишқига содиқ қолиш учун ёлғон тўқиб, эрини ўзидан узоқ тутишга эришади. Кўп ўтмай, у одам ўлади. Бева қолган Лайли Мажнунни қидириб

йўлга чиқади. Чўлда уни топса ҳамки, Мажнун уни танимайди ва қовушмоқча кучи йўқлигини билдиради. Чунки энди Мажнун бутун моддий борлиқлар билан алоқасини узган ва маънавий бир ишқ ила сархуш ҳолда кезар эди.

Лайли ноумид ҳолда орқага қайтади. Анча пайт азоб тортгандан сўнг вафот этади. Ўлим хабарини эшитган Мажнун Лайлининг қабри томон югуради ва ўша ерда ўлишини Аллоҳдан ёлвориб сўрайди. Дуо-илтижоси қабул бўлади ва сўнгти нафасида «Лайли, Лайли!..» дея жон беради.

* * *

Мавлоно Жалолиддин Румий ҳикояни эслатиб, бир нуқтага диққатни жалб қилмоқчи. Мажнуннинг ақлхушини бошидан олган Лайлининг ташқи гўзаллиги бошқалардан устун эмас эди. Ундаги ички гўзалликни кўргани учун Қайс Мажнун бўлган эди. Бу хил гўзалик оддий кўзга кўринавермайди. Уни фақат Мажнуннинг кўзи билан кўра олиш мумкин. Подшоҳ Лайлига Мажнуннинг кўзи билан қарамагани учун ҳам ундаги ички гўзалликни кўра олмади.

Шубҳасиз, ташқи гўзалик ҳам Аллоҳнинг бир лутифидир, у ҳам қадрли. Аммо ташқи гўзаликнинг ўзи етарли эмас, вақт ўтиб эскиради, йўқолади. Асл қийматли бўлгани ички гўзалик ва маънавий камолликдир. Бир ҳадисда шундай марҳамат қилинади: «Аллоҳ, сизларнинг суратларингизга, яъни ташқи кўринишларингизга эмас, фақат қалбларингизга қарайди» (Муслим, Бирр, 33).

Бундан ташқари, ташқи гўзалик ва моддий унсурлар шартлидир. Бирорга ёққан нарса бошқа бирорга хуш келмаслиги мумкин. Бугун яхши кўриб турган кишингиздан эртага зерикишингиз мумкин. Булар-

нинг ҳаммасини енгадиган куч эса севгиdir. Ҳа, севги энг кучли туйфудир. Севганингизнинг ҳар жиҳати сизга хуш ёқади. Меъёрий ўлчовларга кўра хунук ҳисобланган бир кимса севганинг назарида энг гўзал, энг суюклидир. Ошиқнинг кўзи бутун айб-нуқсонларни кўрмайди.

Ишқнинг барчаси мақтовга лойик, чунки кўнгил томон эшиклар очади. Бу эшиклар инсонни ўзгалар оламига олиб борса, илоҳий ҳузурга етказса, жуда яхши. Чунончи, бизнинг маданиятимизда мажзуб (илоҳий ишқ туфайли ўзгача маънавий ҳол касб этган – А.Т.) ва мажнунларга ҳамиша ҳурмат-эҳтиром кўрсатилган.

Ҳикоямиздаги подшоҳ Мажнунни нега тушунмаганинг жавобини яна Мавлононинг бир сўзидан топамиз. «**Ошиқий чист? – Ошиқлик нима?**» саволига жавобни ўзи беради: «Мен бўл ва бил!»

Яна дейдики: «**Ишқ даъвога, жафо тортмоқ, эса гувоҳга ўхшайди. Гувоҳинг бўлмаса, даъвода ютиб чиқолмайсан-ку!**»

Учинчи дарс

ЎЗИДАН ҚОЧИШ

Ер юзидағи бутун жонзотларга ҳукмрон бўлган ҳазрат Сулаймоннинг Ямандаги саройига пешиндан оддин бир сода одам хавотир билан киради. Навбатчиларга ҳаёт-мамот масаласида ҳазрат Сулаймон билан учрашишини айтади ва дарҳол ичкарига киритилиди. Сулаймон ранги-рўйи ўчган, қўрқувдан титратёттан одамдан сўрайди:

— Тинчликми, нима гап? Бу қўрқувинг боиси не? Нима дардинг бор? Айт менга!

— Бугун тонгда менга Азроил учради. Менга жаҳл билан қаради ва дарҳол узоқлашди. Жонимни олишга аҳд қилган кўринади.

— Хўш, нима қилишимни хоҳлайсан?

Эдам ёлворди:

— Эй жонларнинг қўриқчиси, мазлумлар нажоткори Сулаймон! Сизнинг қўлингиздан келади. Бўри, қуш, тоғ, тош амрингизда, шамолга буюринг, мени узоқ Ҳиндистонга олиб борсин. Балки шунда Азроил мени тополмас, шунда жонимни сақлайман. Умидим сиздан.

Сулаймон одамнинг ҳолига раҳми келади. Шамолни чақириб буюрди: «Хозироқ бу одамни Ҳиндистонга олиб бор». Шамол зум ўтказмай буйруқни бајаради.

Эртаси кун ҳазрат Сулаймон девонни тўплаб, келганлар билан қўриша бошлайди. Не кўз билан қарасаки, Азроил ҳам уларнинг орасида турарди. Дарҳол ёнига чақириб сўради:

— Эй Азроил, кеча у одамга нега жаҳл билан қарандингиз? Жонини олсангиз, олинг эди. Бироқ бечоранинг ўтакасини ёрибсиз-ку.

Азроил жавоб берди:

— Эй дунёning улуғ султони. Мен у одамга жаҳлазаб билан боқмадим, балки ҳайрат билан қарадим. У ногўри тушуниб ваҳимага тушди. Тўғриси, уни бу ерда кўриб ҳайрон қолдим. Чунки Аллоҳ таоло менга: «Қани, бор, бу кеча ўша одамнинг жонини Ҳиндистонда ол», дея амр қилганди. Уни кўргач эса: «Бу одамнинг юзта қаноти бўлса ҳам, бу кеча Ҳиндистонда бўйлмайди. Бу қандай бўйдийкин?» дея ҳайратта тушдим. Унга ҳайрон боқишимнинг сабаби шу. Шу кеча оқшом мен у одамнинг жонини Ҳиндистоннинг фалон жойида олиб қайтдим.

Мавлоно сўрар: «Кимдан қочмоқдамиз? Ўзимизданми? Бу хомхаёл билан кимдан ўзимизни қутқармоқдамиз? Тангриданми? Нақадар бемаъни. Бу – дунёдан, Тангридан ғофил бўлмоқдир. Дунё пул, аёл, кийим-кечак, тижоратдан иборат эмас. Буни бил» (1-жилд, 956-байт).

Шарҳ:

Ҳикояда илохий тақдирдан, яъни пешонадаги ёзувдан қочмоқ инсоннинг ўз-ўзидан қочиши каби баҳоланмоқда. Қочиш эса мумкин эмас. Шундай экан, қўлимиздаги имкониятларни ишга солиб, ҳаётимизни ҳақиқий инсонга ўхшаб ва чиройли тарзда, мазмунли ўтказиш энг оқил йўлдир. Ҳа, тўғри, тақдиримиз Аллоҳ таоло томонидан белгиланган, бироқ у бизга номаълум. Бу орада бизга ақл ва иродада кучи берилган. Тақдиримизда нима борлигини билмаганимиз учун ақл ва иродани ишлатиб ҳаётимизни изга солишга

масъулмиз. Доимо ақл ва дин яхши, чиройли деб билган томонда бўлишимиз мақсадга мувофиқдир. Хатти-ҳаракатларимизнинг оқибатига рози бўламиз.

Қўлимиздан келган моддий-маънавий ҳар нимани қилиб, барча чора-тадбирларни кўргач ҳам, натижага биз истагандай бўлиб чиқмаса, ана шундагина: «Нима қилайин, тақдирим шу экан?!» дея оламиз. Бу йўл ўзни еб-битиргандан, исён ва шикоят этмоқдан яхшироқдир. Акс ҳолда, инсоннинг руҳий соғлиги бузилади, беҳаловат ва шикоятчи бўлиб қолади.

Тақдирга ишонмоқ дангасалик ва фаолиятсизлик эмас. Аксинча, омадсизлик ва фалокатлар қаршисида юкиниладиган бир бандаргоҳдир. Ваҳима ва тушкунликка берилишининг олдини олувчи бир туйғудир.

Таваккул тушунчаси ҳам шундай. Таваккул Аллоҳга ишониш демакдир. Бироқ бу ишонч дангасалик, бепарволикка, ишни ўз ҳолига ташлаб қўйишга йўл очмаслиги керак. Ҳақиқий таваккул – кишининг зиммасидаги ҳамма вазифани бажариб, натижани яна Аллоҳдан қутишидир. Дарҳақиқат, сўнг сўз Аллоҳни кидир. «Мен ҳаммасини бажарганимдан кейин Аллоҳга ишониб-ишонмасликнинг нима қизифи бор?» дегувчилар топилади, афсуски. Бундай фикрлаш янглишдир. Масалан, касалнинг вазифаси – дарҳол бир докторга мурожаат қилмоқ, ҳатто энг яхши ҳакимни топмоқ, берилган дориларни ичиб, тавсияларга риоя қилмоқдир. Таваккулнинг бу ўриндаги аҳамияти қуидагича: буларнинг барчасини бажаргандан кейин натижани, яъни соғайишни Аллоҳдан қутиш, аслида Унга ишонишдир. Зоро, эътиқодимизга кўра, шифонинг асл манбаси Аллоҳдандир. Ҳа, шундай бўлмаса, энг яхши табибларга, энг ривожланган замонавий даволаш усуllibарига мурожаат қилингани ҳолда тузалмаган касаллар ҳақида нима деймиз?

Аллоҳ буни доктор, дори каби баъзи сабабларга боғлаган. Сабабларни энг чиройли тарзда адо этмоқ бизнинг бандалик вазифамиздир.

Аслида ҳар натижага уни юзага чиқарувчи сабаблардан кўра кўпроқ нарсаларни қамраб олган, яъни ҳақ (эваз) хизматдан кўпроқ бўлади. Мавлоно сўрайди: «Бир рукуъ, бир сажда охиратда бир жаннатни қўлга киритмоқдир. Ўқимайсанми Қуръоннинг ушбу оятини: «Аллоҳ йўлида молларини инфоқ-эҳсон қиладиган кишиларнинг мисоли худди ҳар бир бошофида юзтадан дони бўлган еттига бошоқни ундириб чиқарган бир донга ўхшайди. (Қилинган бир яхшилик етти юз баробар бўлиб қайтишига ишора қилинмоқда.) Аллоҳ истаган кишиларга бир неча баробар қилиб беради. Аллоҳ, (фазлу карами) кенг, билгувчиидир» (Бақара, 261).

* * *

Қазо ва қадар мавзуси анчайин кенг ва англаниши қийин масаладир. Мавлоно «Маснавий»сида бу баҳсга кенг ўрин ажратади. Мавлоно бу ўринда икки тоифа инсоннинг аҳволига хафа бўлади. Булардан бири ашаддий қадарчи, жабариячи ёхуд фаталист деган нусхадир. Бу бечора ҳамма нарсани Аллоҳдан деб билади, бирга етти юз берган уруғни тупроққа экишдан бош тортади, насибасизлигини фалакка тўйнкайди.

Иккинчиси эса қадарни батамом инкор этувчи материалист кимсадирки, бу тоифадагилар сабаблар тузогига тушади ва сабабни яратганни (Мусаббибни – А.Т.) йўқ деб биладилар.

Ҳазрат Мавлоно алалхусус қадар ва таваккул борасидаги янгилиш тушунчаларга қарши: «Агар Аллоҳга мутаваккил бўлсанг, саъй-ҳаракатинг ила таваккул эт. Уруғни эк, шундан кейин ҳар нега қодир

Аллоҳга таян. Ҳазрат Пайғамбаримиз алайҳиссалом бадавийгага нима дедилар: «Аввал туяңгни боғла, сўнгра таваккал қил» (Термизий, «Сифотул-қиёмаҳ», 60).

Тўғри, оқсоқликларимиз бор. Бироқ бундан қутулмоқ, ўтириб-туриш билан эмас, юрмоқ ила бўлади. Билгинки, яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам сендан кўкармоқда. Чиройли ва чиркин (хунук) фикрлар сендан, сенинг ўзингдан чиқади.

«Аллоҳ, менга нечун орзу, нечун душман берди?» дея қайғурма, шикоят қилма. Мужодала (кураш) учун душман бўлиши шарт. Бир нарсага майлинг ва истагинг йўқ бўла туриб уни қилмаслик сабр ҳисобланмайди. Орзу ва истаклар бўлмаса эди, уларни ман этишга не ҳожат бор эди?

Ҳазрат Мавлоно сабаб-натижа занжирига боғлиқ ҳаётни жиiddий ўйналиши керак бўлган бир шатранж (шахмат) ўйинига менгзатади ва бундай дейди: «Эй ўғил! Шахматда ҳар тош юришнинг натижасини ундан кейингида кўр. Сабабни эса сабаб ичида (халқайи занжирда) идрок эт. Кўзингни атрофдан бу ёқقا ўтиргин-да, мот қилиб ўйинни ютганингга қадар не ўйинлар ўйнайдиган бўлсанг, ҳаммасини кўр. Шунчаки «Аллоҳга таваккул этдим», демагин».

Шахмат ўйинининг ўзига хос жиҳатини баён этайлик. Маълумки, бу ўйин аниқ қоидаларга кўра ўйналади. Бу қоидаларни ўзгартириш ўйинчининг қўлидан келмайди. Аммо у ҳар тош учун мавжуд бир неча йўлларни танлаш ва юриш имкониятига эга. Яъни, ўйинчи танловини белгиланган қоидалар доирасида амалга оширади. Бу унинг бир жиҳатдан қарам, бошқа томондан эса, эркин эканини кўрсатади.

Инсоннинг маънавий ва ахлоқий такомили ўз файрати ва Аллоҳнинг лутфи (ва тавфиқи – А.Т.) ила

бўлади. Ўзгартиришимиз мумкин бўлган жабҳа ичида фаолият кўрсатиш ўзгартириб бўлмайдиган оламга қарши чиқиши, уни назар-писанд қилмаслик деган маънога келмайди. Саъй-ҳаракат, меҳнат, файрат қилиш қазо ва қадарга қарши курашиш эмас. Чунки бундай мужодалага (курашга) бизни масъул қилган ҳам қадарнинг ўзиdir.

Мавлонога кўра, инсоннинг вазифаси – оламдаги минг бир турли ёмонлик қаршисида ортга чекиниш, тақдирим шу экан, дея қўл қовуштириб ўтириш эмас, ёмонликларга қарши курашмоқдир. Ҳеч бир туғилиш санчиқсиз бўлмас. Жаннат атрофи қийинчиликларга дош бермай туриб ҳеч нимани қўлга киритиб бўлмайди.

Тўртинчи дарс

НАФС ВАҲШИЙ АРСЛОН КАБИДИР

Поёнсиз ва узоқ бир ўрмонда битта ваҳший арслон яшарди. Ўрмонда ҳамма ҳайвон ундан қўрқиб кун кўрарди. Улар бундай ҳаётдан қутулишга чора қидирадилар. Ўйлаб-ўйлаб ичларидан бир ҳайъат танлаб арслонга юборадилар.

— Эй ўрмонларнинг шоҳи арслон. Ҳар куни биттамизни тутиб ейсан. Бунга эътирозимиз йўқ, бироқ овора бўлишинг шартми? Сен тахтингда bemalol ўтиравер, ўзимиз сенга ичимииздан биримизни йўллаймиз, bemalol еяверасан, — дейишади.

Бу таклиф арслонга ёқиб тушади ва қабул қиласди. Энди ҳар куни эрталаб бир ҳайвон арслонга топшириларди.

Кунлардан бир кун навбат қуёнга келибди. Бироқ у боришни асло хоҳламабди.

— Эҳ, нима қилайлик?! Қисмат шу! Кўпчиликнинг хотиржамлиги учун кимдир ўлиши керак. Қани, вақтни ўтказмасдан йўлга туш. Арслоннинг жаҳрини чиқармайлик.

Ҳайвонлар қанча гапиришмасин, қуён пинагини бузмас, кетишни пайсалга солар эди. Ниҳоят, ёлвораёлвора қуённи йўлга равона қилдилар.

Қуён бамайлихотир сакраб-сакраб арслоннинг хузурига келади, бироқ вақт алламаҳал бўлган эди.

Очликдан ғазабланган арслон ўшқирди:

— Қаерда қолдинг? Кечикишингнинг боиси нима?

Қуён сохта бир хавотир билан гўё терларини артди, бўйини буқди:

— Ҳазрати олийлари, ҳурматингиз бор. Мен эрта-

лаб вақтли йўлга чиқдим, аммо йўлимни бошқа бир арслон тўсди. Қўлидан қутулгунга қадар бошимга нималар келмади, дейсиз.

Арслон янада газабланди:

— Ким экан бу густоҳ?! Бу ўрмонда фақат менинг ҳукмим ўтади. Ким экан у? Қани, тезроқ айт!

Қуён бу аҳволдан мамнун, нуқул нариги «арслон» ни мақтар, бу билан арслоннинг ҳайсиятини қитиқлар эди. Арслон чидай олмади:

— Туш олдимга, кўрсат ўша олчоқни менга!..

Йўлга чиқишиади. Қуён арслонни бир қудуқ бошига олиб келиб:

— Мана, сultonим, у шу қудуқ ичида. Қаранг, қандай ўрнашиб олибди.

Арслон ҳирс билан қудуқнинг ичига қаради. Сувда ўз аксини кўрди. Хириллашга бошлаган эди, қудуқдаги акси ҳам «бўш келмади». Қуён фурсатни қўлдан бой бермай, луқма ташлади:

— Кўряпсизми, жаноби олийлари, сизни қўрқитишни?!.

Арслон бутунлай қаҳрга тўлди, кўзлари ўтдек ёнди.

— Бир диёрда икки сulton бўлмайди, парчалаб ташлайман уни! — дея ўзини қудуққа отди.

Ҳаммаси тугаган эди. Қуён ям-яшил ўтлоқларда қувноқ ҳолда сакраб-сакраб келиб, ҳайвонларга қутулганлари тўғрисида хушхабар берди.

Ҳазрат Мавлоно илова қиласи: «Эй одам, сен бу дунё қудугининг тубига ҳирс, очкўзлик билан ташланган маҳбус бир арслонсан. Нафсингни енг-да, қуён каби эркин бўл. Сенинг нафсинг саҳрода ебичмоқда, завқу сафо этмоқда. Сен эса мана бу мишиш ва тортишув қудугининг ичиdasан» («Маснавий», 1-жилд, 900-байт).

Шарҳ:

Мавлоно Жалолиддин Румий ҳазратлари тилга олган бу йўлдан озган «нафс арслони» нима ўзи?

Нафснинг таърифи, тарбияси борасида тасаввуф таълимоти жуда кўп баҳс юритади. Нафсга қарши мужодала комил инсон бўлиш йўлидаги курашдир.

Алишер Навоий ёзадилар:

Инсонға эрур камол матлуб,

Андин даги дарду ҳол матлуб.

(“Лайли ва Мажнун” достонидан).

Нафс, қисқача айтганда, кишининг ёмон хусусиятларига берилган номдир. Масалан, гердайиш, ўзини яхши кўриш, жаҳл, ғазаб, кин-адоват сақдаш, чақимчилик, кўролмаслик, қийинчилкларга сабрсизлик кабилар бу хусусиятлар жумласидандир. Буларнинг кучайиши инсоннинг қадр-эътиборини туширади.

Ичимида яхшиликлар ҳам бор, ёмонликлар ҳам. Бизнинг борлигими'з бу икки қарама-қарши кучнинг кураш майдонидир. Аллоҳ таоло марҳамат қиласди: «Дарҳақиқат, Биз инсонни энг гўзал шаклу шамойилда яратдик. Сўнгра (у Биз ато этган шундай гўзал сурат ва мукаммал хилқатнинг шукрини қилмасдан куфру туғён йўлига кетгач) уни асфала-софилинга (яъни, энг тубан дўзахга) қайтардик» (Ваттийн, 4-5).

Бизнинг вазифамиз – ақлимиз ва иродамизни ишга солиб ичимиздаги яхшиликтининг қўли баланд келишини таъминлашдир. Бунинг учун эса нафснинг ёмон ҳолларига қарши курашмоқ шарт.

Аслида яратилишимиздаги нафсоний кучлар яхшиликка йўналтирилиши мумкин. Булар захирадаги энергия (кувват) кабидир. Бинобарин, нафснинг ўлиши эмас, ислоҳ, қилиниши муҳимроқдир. «Ўлмасдан ол-

дин ўлиш» мажозий бир ифодадир. Нафснинг ўлдирилиши, демак, унинг яхшиланиши, покланиши, назорат остида тутилиши демакдир. Ҳазрат Пайғамбаримиз алайҳиссалом шундай марҳамат қиласидар: «Кучли паҳлавон курашда рақибини енгган кимса эмас. Асл паҳлавон ғазаб онида нафсини енга олгандир» (Бухорий, «Адаб», 76).

Масалан, асабий, мизожи қаттиқ, дарров жаҳли чиқадиган инсонларда жўшқин бир қувват бор. Бу қувватни беихтиёр сарф қилиш заарга сабаб бўлиши мумкин. Батамом йўқ этилиши эса қўрқоқлик, карахтлик ва ҳаққини ҳимоя қила олмаслик ҳолатларига йўл очади. Бу ерда ўрта йўл у қувватни ва қаршиликни ўз ўрнида, ўз вақтида ва меъёрида ишлатиш йўлини ўрганишдир. Бу эса ирода таълими билан амалга ошади. Ҳазрат Умар Исломга кирмасларидан олдин мизожи қаттиқ, жаҳлдор кимса эдилар. Мусулмон бўлгач, бу хусусиятлари йўқолмади, фақат ислоҳ этилди ва яхши томонга бошқарилди. Оқибатда ниҳоятда одил, бақувват ва шафқатли инсон юзага келди. Давлат бошида эканлар, кечалари камбағалларга елкаларида ун ташидилар.

* * *

Нафснинг энг ёмон касалликларидан бири кибр, яъни катта кетиш ва ўзини ҳаддан зиёд яхши кўриш, ҳаммадан устун кўришдир. Ҳикоямиздаги арслоннинг хасталиги ана шудир. Кибр инсондаги ички куч, қобилиятни ўлдиради, чунки ҳақиқатда соҳибман, дея ўйлаган киши буларга эга бўлиш учун ҳаракат қилмайди; шундай қилиб, бор қобилиятидан ҳам маҳрум бўлади.

Худбинлик панжасига тушган кимса дунёда ўзидан ўзга ҳурмат ва хизматга лойиқ инсонни кўрмайди. Ҳамма мендан қарздор, дея ўйлайди. Бирор кимсага

ёрдам қўлини чўзмайди. Ёхуд бу ишларни қилса-да, миннат ва риё учун қиласди.

Худбинликни енгиш тавозе, яъни камтаринлик билан амалга ошади. Бунинг энг ёрқин белгиси эса инсонлар орасига қўшилиш, халқнинг ичига кириб, уларга фақат ва фақат Аллоҳ розилиги учун сидқидилдан хизмат кўрсатишдир. Каттага катта, кичикка кичик бўлишни ўрганишдир. Уларга паст назарда қарамай, ҳурматини жойига қўйиб яқинлашишдир. Бир ояти каримада шундай марҳамат қилинади: «Ер юзида кибр-ҳаво билан юрмагин! Чунки сен (оёқларинг билан) ҳаргиз Ери тешиб (унинг тубига) кетолмайсан ва бўйи-бастда тоғларга етолмайсан. (Бас, бу қадар ожиз экансан, нечун кибру ҳаво қилурсан?!)» (Исро, 37.)

Камтарлиknинг бир шарти эса қўйидагича: кўчада кимга дуч келмайлик, унинг Аллоҳ наздида биздан-да устун бўлиши мумкинлигини ўйлашимиз керак. Ким билади, биз билмаган жуда яхши жиҳати, фазилати бордир. Ёхуд ҳозирги ҳоли ёмон бўлса-да, келажакда биздан ҳам яхши бир инсон бўлиб кетса, ажаб эмас.

Бешинчи дарс

ТҮТИҚУШ ҲИКОЯСИ

Бир савдогарнинг тўтиси бор эди. Қафасларга маҳкум қилинган қуш. Бир куни савдогар Ҳиндистонга бориш учун йўл тайёргарлигини кўра бошлади. Қўл остидаги қуллари ва жорияларининг ҳар биридан алоҳида-алоҳида: «Сенга Ҳиндистондан нима олиб келай?» дея сўради.

Ҳаммаси нимадир тайинлади. Савдогар тўтисидан сўради:

— Эй гўзал қушим, сен Ҳиндистондан нима келтиришимни истайсан?

— У ердаги тўтиларни кўрсанг, менинг аҳволимдан хабар бер ва: «Фалон тўти менинг маҳбусим. Уни қафасда боқаман. Сизга салом айтиб юборди. Ва: «Мен фурбат (бегона) юртларда, қафасларда сизнинг ҳасратингизда азоб тортайин, сиз бемалол, эркин дараҳтзорларда, тоғу тошларда айланинг. Шуни менга раво кўрасизми? Ҳеч бўлмаса, бир саҳар пайти мен ғарибни ҳам ёдга олингки, мен ҳам бироз баҳтиёр бўлай», деди», дегин. Бошқа ҳеч нарса истамайман.

Савдогар карвонини тайёrlаб йўлга чиқди. Кечакундуз юриб, ниҳоят, Ҳиндистонга етиб борди. Йўлда қояликларда қўниб турган бир неча тўтиларни кўрди. Отини тўхтатиб уларга деди:

— Мен фалон мамлакатдан фалончиман. Тижорат учун бу ерларга келдим. Менинг бир тўти қушим бор. Сизларга салом айтди ва бундай дейишимни тайинлади, — дея тўтисининг гапларини уларга етказди.

Савдогар сўzlарини тутатар-тутатмас тўтилардан бири титгради, нафаси қайтиб ўлиб қолди.

Савдогар айтган сўзларига пушаймон бўлди. «Мен нима қилиб қўйдим?! Бу бечора қушнинг ўлимига сабабчи бўлдим. Ҳойнаҳой, бу менинг бечора қушимнинг бир яқини, жондан севгани бўлса керак», деб ўйлади.

Орадан анча вақт ўтди, савдогар савдо-сотифини тутагатиб юргига қайтди. Ҳаммага сўраганларини берди.

Тўтиқуш қафасда буларни кузатарди. Охири чидай олмай савдогардан сўради:

— Менинг истаганим қани? Ҳамжинсларимни, тўтилар тўдасини кўрмадингми? Нима деган, нима кўрган бўлсанг, айт менга, мени хурсанд қил.

— Суюкли қушим, — деди савдогар, — мени маъзур кўр, бироқ гапирмаганим яхшироқ, деб ўйлайман. Чунки ҳали ҳам bemажол қолди, охири ўлди. Шу сабаб ниҳоятда пушаймон бўлдим, бироқ начора, фишт қолипдан кўчган эди.

Тўти ҳоли-жонига қўймагач, савдогар истамайгина сўзлай бошлади:

— Сен айтган жойга бориб дўстларинг бўлмиш тўтиларни кўрдим. Айтган сўзларингни ва саломингни етказдим. Ичларидан биттаси бунга чидай олмади, хафа бўлди, титради ва bemажол қолди, охири ўлди. Шу сабаб ниҳоятда пушаймон бўлдим, бироқ начора, фишт қолипдан кўчган эди.

Савдогарнинг бу сўзларини эшишиб турган тўти қафас ичида титрай бошлади, ҳаркатсиз қолди ва бироздан сўнг йиқилиб «ўлди».

Буни кўрган одамнинг ҳуши бошидан учди, йифлаб-сиқтади, кулохини ерга урди.

— Эй гўзал қушим, сенга нима бўлди? Нега бу ҳолга тушдинг, мен нима қилиб қўйдим?! — дея айтиб-айтиб йифлади. Охири «ўлик» тўтини олиб дезразанинг четига қўйди. У ерга қўяр-қўймас, тўти

дарҳол жонланиб учди ва боғдаги бир дарахтнинг ба-
ланд шохига қўнди. Савдогар шошиб қолди.

— Эй гўзал қуш, бу не ҳол?! Айтиб бер менга. Бу
ҳийлани қандай ўргандинг, мени қандай алдадинг? —
деб сўради беихтиёр.

Тўти қўниб турган жойида айтди:

— Суюкли хўжайин, Ҳиндистонда кўрганинг у тўти
менинг саломимни олгач, ўзини ўликка солиб менга
хабар йўллади, агар қутулмоқчи бўлсанг, ўл, деди. Кўриб
турганингдек, унинг айтганига риоя қилиб асирик-
дан қутулдим, қисқаси, ўлдим ва қафасдан халос бўлдим
(Мавлоно, «Маснавий», 1-жилд, 1547–1648).

Шарҳ:

Бу ҳикояда айтилган қафасдаги тўти бадан қамоқ-
хонасига маҳкум бўлган инсон руҳининг тимсолидир.
У ердан қутулишнинг йўли ўлмасдан аввал ўлиш дара-
жасини эгаллашга боғлиқ. Ҳиндистондаги тўти савдо-
гарнинг тўтисига буни ўргатди. Қафасдан қутулиш учун
ўлмоқдан ўзга чора йўқлигини кўрсатди ва дедики:

— Эй хуш овози ила инсонларни хушнуд қилаёт-
ган, бу куй-оҳангларни қўй. Сен ҳам мен каби бўлгин-
ки, қафасдан қутулгайсан.

Бу ўринда баҳс юритилаётган ўлим ҳақиқий эмас,
мажозий ўлимдир. Яъни, тасаввуфда ҳадаф ўлароқ
кўрсатилган фонийлик, орзу ва эҳтирослар асорати-
дан халос бўлиб, енгил тортмоқ, бадан ва моддий бор-
лиқнинг қафасларидан озод бўлиб, руҳий-маънавий
хурриятга қовушмоқдир.

Ҳазрат Мавлоно илова қилиб айтадиларки: «Сен
дон (уруг) бўлма. Донларга тузоқ бўл. Гунча бўлма,
томларда битган ўтлар каби бўл. Қисқаси, билин-

мокдан қоч. Тавозу ва маҳвият (йўқлик, фанолик – А.Т.) ичра қол. Ана шунда ҳам ёмон кўзлардан, ҳам манманлик, кибр-ҳаво балосидан қутилиб қоласан».

«Гўзаллигини сотувга чиқарган киши балога қучоқ очган бўлади. Барча ёмон назарларни ўзига жалб қиласди. Душманлари бир томондан, дўстлари бошқа томондан уни маҳв этишга интиладилар. Бири қизғаниб, наригиси кўтар-кўтар қилиб умрини еб битирадилар, унга зиён етказадилар. Экин-тикин мавсумида дон экматан киши вақт ва вақтнинг қийматини не билсин?!»

«Демакки, дунё кирларидан мосуво бўлиб (қутублиб), Аллоҳнинг лутфига юкинганингдә сен оғатларга эмас, оғатлар сенга бўйсунади. Тошқин сувлар нега Нуҳ алайҳиссаломга зарар бермади? Даҳшатли аланга нечун Иброҳим алаҳиссаломни ёқмади? Харсанг тошлиар ёғдирган төғ не сабаб Яҳё алайҳиссаломни кўриб, уни қуваётган душманларни эзди?»

* * *

Ушбу ҳодиса Аллоҳдан айрилган руҳнинг машаққатли ва турли йўлни босиб ўтгач, яна Аллоҳнинг борлифига қайтиб, Унинг бирлигида фоний бўлишини баён этади.

Ҳикояда ўз ватани ва аслидан хабар олгач, ерга тушиб жон берган тўти бу ҳақиқатни, яъни ўз ибтиносига (бошланғичига) қайтиш муждаси (хушхабари) бўлган руҳнинг тимсолидир.

Хулоса қилиб айтсак, ибтидо (бошланиш) ва интиҳо (ниҳоя, охир) орасида давомли сафар ҳолидаги жон қушининг аслига қайтиш завқи ва у томонга қанот қоқиш шавқи ушбу ҳикоянинг руҳини ташкил этади.

Олтинчи дарс

КЕКСА ЧОЛГУЧИ

Ҳазрат Умар даврларида кекса бир чолгучи бор бўлиб, чангни жуда яхши чалар эди. (Чанг – қонун мусиқа асбобига ўхшайди, бироқ тикка ушлаб чалинадиган соз.) Хурсандчилик ва мажлисларни унинг куйлари безарди. Мусиқасининг овози Исроифилнинг саси каби ўлган баданларга жон бағишларди гўё. Унинг куйини тинглаган фил ҳам ҳали замон қанот боғлайдигандек бўларди.

Чолгучи вақт ўтиб кексайди, энди аввалгида соз чалолмас, ҳеч ким уни тинглашни хоҳламас эди. Бир пайтлар пули мўл, бор тошганини еб-ичарди. Анчайин қаригач, пулсиз қолди, егулик, қуруқ нонга муҳтож ҳолга тушди. Аввалги обрў-эътибори ва баҳтиёр кунлари ўтиб кетди. Ёлғиз, чорасиз, умидсиз ва оч эди. Ниҳоят, шундай ниёз этди: «Ё Раббим, менга узоқ умр ва кўп имкон бердинг, мен каби арзимас бир бандангга лутф кўрсатдинг. Етмиш йилдир исён этдим, бироқ Сен бир кун ҳам марҳаматингни узмадинг. Аммо, афсуски, ортиқ ишлаб пул тополмайман. Энди Сенинг меҳмонинг бўлмоқчиман. Бу титроқ кўлим ва дўриллоқ овозим билан созимни ёлғиз Сен учун чаламан, энди мен Сеникиман! Овозимни эшитяпсанми?»

Созини елкасига олиб йўлга чиқди. Йиглаб-йиглаб Мадина қабристонига борди. Эвазини Аллоҳдан истаб чалмоқчи эди. Чолгусини созлади. Аллоҳнинг буюклигига, Раҳмон ва Раҳимлигига юқунди. Узоқ вақт йиглади ва сознинг овозини самоларга эшиттирмоқчи бўлгандай баланд кўтариб чалди. Ниҳоят, ҳолдан

тойди, бошини ерга қўйди, созини ёстиқ қилди, қабристон тупроқлари устида уйқуга чўмди.

Худди шу пайт халифа Умарга ғойибдан бир сас: «Эй Умар, қабристонда жуда эҳтиёжманд хос бир қулимиш бор, ёнингта бир миқдор пул ол, уни топ ва кўнглини хушнуд айла!» дея хитоб қилди.

Ҳазрат Умар шоша-пиша ўринларидан турдилар ва қўлларига ҳамённи олиб, муҳтоҷ кимсани қидира бошладилар. Қабристонни айланиб чиқдилар, кекса чолғучини кўрдилар. Бироқ аввалига бу одам у киши қидираётган одамлигига ақллари бовар қилмади. «Менга «Аллоҳнинг хос, мақбул ва муборак қули бор» деган хитоб қилинганди. Бу оддий созанда қанақасига хос қуллардан бўлсин?!» дея ўйладилар.

Бошқа ҳеч кимни учратмагач, қарияни уйғотдилар, унга хушхабарни етказдилар: «Сенга Аллоҳнинг саломи бўлсин, ҳол-хотиринг қандай? Билишимча, жуда қийналибсан, ҳозирча шу бир неча динорни ол, ишлат, сарфла. Тутаса, яна менга кел».

Бу сўзларни эшитган кекса созанда ўзини ҳар ёнга уриб, қаттиқроқ йифлаб деди: «Эй буюк Парвардиғорим! Марҳамат ва эҳсонинг улуғлиги олдида хижолатдан ерга кириб кетай деяпман».

Шунча йил сафоҳат (бузуқлик, айш-ишрат) оламида чалгани учун Аллоҳ билан ўзи ўртасида парда бўлган созини сўнгти марта бор ички туйғулари билан ва фақат Рабби учун чалди. Оқибатда нажотта эришди. Сўнгра ҳамиша ёнида бўлган қадрдон созини ерга урди ва парчалаб ташлади. Энди унга эҳтиёжи йўқ эди («Маснавий», 1-жилд, 1913-байт).

Шарҳ:

Хурсандчилик, куй-қўшиқ ҳаётнинг бир ҳақиқатидир. Таассуфки, кўпинча нафсоний ва дунёвий завқлар устун келганидан хурсандчилик ва соз мажлислари ҳаддан ошишликлару ёмонликларга сабаб бўлади. Бундай жойларда вақт ўтказганлар эртанинг фамини, ҳисоб-китоб кунини унутган, ёшлигини, куч-қувватини ўткинчи орзу-ҳаваслар билан еб битирадилар. Шундай кун келадики, ҳатто ейиш учун бир парча нонга зор бўладилар. Ҳикоямиздаги чолғучи шу тоифа инсонлардандир.

Мавлоно ҳазратлари Исломият умид, марҳамат, меҳр-шафқатта тўла эканига урғу беради. Кекса чолғучи умрини завқу сафо билан тугаттан бўлса-да, сўнгти дамида қалбида Аллоҳга ишонч туйфуси жўшурди. Буюк Аллоҳ ихлос ва самимият, умид ила очилган қўлларни бўш қайтармайди. Қудсий ҳадисга кўра, «Бир қарич яқинлашганга бир аршин яқинлашади, У томон юриб борганга югуриб пешвоз чиқади» (Муслим, «Зикр», 2,3).

Мусиқа ва соз яхшиликка ҳам, ёмонликка ҳам ишлатилиши мумкин. Аксарият ҳолларда меъёрдан ошган кўнгилхушликларга хизмат қилгани туфайли бу борада асосан танқидий қарашлар билдирилади.

Ваҳоланки, соз ёхуд мусиқа асбоби чалишнинг ўзича мусбат ёхуд манфий томони йўқ. Мусиқий асбоблар туйфуларга хитоб этади. Шайтоний-нафсоний эмас, улвий ва раҳмоний туйфуларнинг жўш уришига сабаб бўлса, фойдали хизмат кўрсаттан ҳисобланади. Чунончи, Мавлононинг йўли ҳам шундайдир. «Маснавий»нинг ilk икки мисраси: **«Тингла найдан, не ҳикоятлар қилур, айрилиқлардан шикоятлар қилур»**, дея бошланади. Мавлавий мусиқасида ва та-

саввуф мусиқасида най ва бир неча соз турлари бор. Буларни тинглаш деярли барчада чуқур маънавий туйғуларни ҳосил қиласди. Демоқчимизки, муҳими мусиқа ва сознинг ишлатилиш жойи ва мақсадидир. Яхшиликка қўлласак – яхши, ёмонликка қўлласак, ёмон бўлади.

Ҳикоямиздаги кекса чолғучи бунга мисолдир. Умр бўйи нафсоний кўнгилхушликлар учун ишлатган соzinи сўнгги бор Аллоҳ учун чалди. «Ё Раббим, шунча йил умримни беҳуда ўтказдим. Аммо кўриб турганингдек, ҳозир чорасизман. Бу титроқ қўлим ва дўриллоқ овозим билан энди ёлғиз Ўзинг учун чалиб айтаман, овозимни эшитасанми?»

Холиқо, қойилман ўз нуқсонима,
Кўп жафо қилдим ўзимнинг жонима.
Зоти покингдан иноят бўлмаса,
Ҳеч ишончим йўқ амал қилғонима.

(Сўфи Оллоёр)

Қариянинг самимий пушаймонлиги ва сидқидилдан қилган илтижоси Ҳақ таоло даргоҳида қабул бўлди. Чунки У ихлосли кўнгилларни бўш қайтармайди. Сўнгти дафъя ва фақат Аллоҳ учун чалган сози уни нажотта олиб борди.

Еттинчи дарс

БАДАВИЙ ВА ХОТИНИ

«Маснавий»даги ҳикоялардан бири бундай бошланади: бир замонлар сахийлиги тилларда достон битта хукмдор бор эди. Шу қадар сахий эдики, қилган эҳсоннинг ҳад-ҳисоби йўқ эди.

Бу халифанинг даврида ниҳоятда камбағал бир бадавий чўлда хотини билан яшарди. Бир куни хотини фақирилик жонига тегиб шикоят қила бошлиди. Дунёни одамга ҳиндан қилди гўё. Бадавий ҳарчанд насиҳат қилмасин, сабрнинг фазилатларидан гапирмасин, фойдаси бўлмади. Ҳатто хотини охири йифлаб кўз ёш тўқди.

Аёл шикоятларини қуидагича қаторлаштиради:

— Шунча йўқсиллик ва жафони биз тортмоқдамиз. Жумлаи оlam кайфу сафода-ю биз қийинчилик ичрамиз. Ейишга нонимиз йўқ, егулигимиз дард ва ҳасрат. Идишимиз йўқ, сувимиз эса кўзларимиздан оққан ёш. Бирордан нимадир сўрасам, ҳақоратлаб қувлади. Бўлди, бас, тўйиб кетдим бундай ҳаётдан!

Бадавий хотинига тасалли бермоқчи бўлади:

— Сенга нима бўлди, хотин? Ёшлигинда жуда қаноатли эдинг. Энди-чи?! Авваллари тилла эдинг, ҳозир эса олтинга мубтало хотинга айландинг. Илтимос, бироз сабрли бўл. Биз бир жуфтмиз, ишлар яхши кетиши учун жуфтларнинг феъл-атвори бир-бирига мос бўлмоғи лозим.

Агар оёқ кийимининг бири тор бўлса, иккиси ҳам кийишга ярамайди.

Бир кўзи бўм-бўш, иккинчиси оғзигача тўла бўлса, туюнинг устидаги хуржун тўғри турмайди («Маснавий», 1-жилд, 2252-байт).

Шарҳ:

Эрининг бундай сўзлари сабаб аёлнинг феъли яна-да айнийди, бу дабдабали сўзлар қорин тўйдирмаслигини айтади. Эрига қаттиқ ва кўнглини хира қиласидан сўзлар гапиради.

Эри вазминлик билан насиҳат қилишда давом этади, камбағаллик ичида ҳам баҳтли яшаш мумкинлигини тушунтиришга уринади. Аёл тўхтамагач, ниҳоят, бундай дейди:

— Эй хотин, ҳозироқ жанжал, баҳс-мунозарани бас қил. Йўқса, мендан воз кеч. Менинг жанжалга тоқатим йўқ. Жим бўлсанг, бўлдинг. Акс ҳолда, ҳозироқ, уйни тарқ этаман!

Эрининг қатъиятини кўрган аёлнинг ҳолати ўзгарди, йиғлашни бошлади.

Кўрди хотин – чиқмиш эрнинг аччиғи,

Йиғлади, хотин тузогидир йиғи.

Ҳа, ҳазрат Мавлоно кўз ёши аёлнинг тузогидир, дейди ва аёлни бундай гапиртиради:

— Мен сиздан буни кутмаган эдим, мен сизнинг оёқларингиз чанг бўламан, сизга қурбон бўлайин. Йўқсиллиқдан шикоятим ўзим учун эмас, сизни йилағаним учун. Қасамки, сиз учун ҳар нафасда ўлишга тайёрман. Ахир, эсланг, мен гўзалликда ягона эдим, сиз менга талпинардингиз. Узр сўрайман, илтимос, мени афв этинг!

Аёл шу тарзда кўнгил оловчи сўзларни айтаркан, айни пайтда йиғларди.

Ҳазрат Мавлоно бу ҳолатни тасвиrlаб қуидагиларни айтади: «Ҳаттоқи йиғиси билан ҳам кўнгилини жалб этувчи аёлнинг хўнг-хўнг йиғлаши ҳаддан ошгач, кўз ёши ёмғиридан бир чақмоқ чиқиб, одамнинг қалбида бир учқун сачради.

Гўзал юзи ила эркакни асир этган аёл ўзига бандалик безаги бергач, не ҳол юз беради?

Жабру жафосининг тузогига тушганимиз у дилбар узроҳлик сўрашни бошласа, бизнинг узримиз нима ҳам бўларди?

Бир кимса жасурлиқда Рустам бўлса ёхуд ҳазрат Ҳамзадан ўтса ҳамки, фармон тингламоқ борасида барибир хотинининг асиридир.

Сув оловга нечоғлиқ ғолиб ва уни сўндирувчи бўлсада, бир идиш ичидалигида олов у сувни қайнатади.

Кўринишда сув оловдан ғолиб бўлгани каби сен ҳам хотинга ҳоким бўлсанг-да, ҳақиқатда унга мағлубсан ва уни хоҳдайсан».

Ҳазрат бу борада диққатни тортувчи ифодалар ишлатади: «Бундай хусусият фақат инсонда бор. Ҳайвондаги муҳаббат туйғуси ноқисдир. Бу эса ҳайвон инсондан паст эканидандир.

Хотинлар ақлли кишилар ва аҳли дил инсонлар устидан ғолибдир.

Бошқа томондан жоҳиллар аёл устидан ғалаба қозонишиди, унга зуфум ўtkазишга ҳаракат қилишиди, чунки улар қўпол ва қўрс муомалада бўладилар.

Жоҳилларда севги ва шафқат, лутф ва муҳаббат оздир. Чунки яратилишларида ҳайвонлик устундир.

Севги ва шафқат инсоний сифатлардир, ҳиддат ва шаҳват эса ҳайвонлик васфиdir».

Мавлоно ушбу муҳташам ифода билан мавзуга нуқта қўяди: «Аёл Ҳақнинг нуридир, фақатгина севгили эмас. Бамисли бунёдкордир, яралмиш эмас».

*Деги Пайғамбарки: хотин бегумон,
Оқил эркакларга ғолиб ҳар қачон.*

*Лек аёл жоҳилга мағлуб ҳар маҳал,
Чунки эрмас, турфа ҳайвонидир улар.*

*Кам уларда шафқату лутфу карам,
Шул сабаб ҳайвонлиги келгай баланд.*

*Мехру шафқат – васфи инсоний эрур,
Қаҳру шаҳват – васфи ҳайвоний эрур.*

*Партави Ҳақдир аёл, маъшуқ эмас,
Гўё холиқдир ул, махлуқ эмас.*

(Жамол Камол таржимаси)

Бу аёлга берилган ўзига хос ҳаққоний баҳо! У Аллоҳнинг яратувчи қудратидан васфлар ташимокда. Ҳаётнинг давомийлигига унга катта вазифа юклантган, чунончи, у илоҳий фаолият ва тажаллийнинг азиз бир рукнидир гўё. Маълум бир ирфоний савияга етиштаганларга қўра: «Аёлга муҳаббат уларнинг вужудлари ойнасида Жаноби Ҳақни мушоҳада эта олмобқдандир».

Аёлни Ҳақнинг нури ўлароқ қўрган ва бунёдкор васфига урғу берган Мавлоно эркак-хотин тенглигига, ҳар жиҳатдан булар бир-бирларини тўлдирувчи, мукаммаллаштирувчи эканларига, бинобарин, ёлғиз қолгач, иккиси ҳам нуқсонли ва ярим бўлиб қолишларига ишорат этади. Шу ўхшатиш не хущдир: «Оlamда ҳар жуз муҳаққақ ўз жуфтини истайди».

Осмон ерга «Марҳабо!» дейди. Осмон ақлан эркақдир, ер аёл. Униси берганни буниси боқиб катта қиласди.

Ернинг ҳарорати (иссиқлиги) қолмаса, осмон ҳарорат йўллайди. Рутубати (намлиги) битдими, рутубат беради.

Ер бўлмаса, гуллар, арғувонлар қандай ўсади, кўк юзининг суви, ҳарорати бўлмаса, ердан ҳосил унадими?

Саккизинчи дарс

БАДАВИЙНИНГ АРМУГОНИ

Аввалги ҳикоямизда бир бадавий ва хотини ўртасидаги шиддатли баҳс баён қилинаётган эди. Эркак уйни ташлаб чиқиб кетаман, дея қўрқитгач, хотини юмшаб йиғлашга тушди ва вазият яхши томонга ўзгарган эди.

Воқеанинг давомида эркак йўқсиллиқдан шикоят қилган хотинига дейди:

— Йиғлашни бас қилгин-да, бирор чора билсанг, айт.

Хотин қулай фурсатни қўлга киритганди. Яна бироз йиғлаб нозлангандан сўнг дедики:

— Мамлакатнинг қалби пок ҳукмдори бор, унга бориб дардингни айтсанг, сенга эҳсон қиласди. Зеро, халифа жуда хайрсевар ва фақир-фуқаронинг умид эшигидир.

— Хотин, гапинг тўғри, аммо шундоқ халифанинг ҳузурига қуп-қуруқ қўл билан бориб бўлар эканми? Унга олиб боришга арзигулик ҳадъям йўқ.

— Сиз халифага бир кўза ёмғир суви олиб боринг, — дея дарҳол маслаҳат берди хотин, — чунки тотли сув жуда қадрли. Эҳтимол, халифанинг суви жуда бадбўйдир.

Бу гап одамга маъқул тушади ва эртасига бир кўза сувни олиб йўлга чиқади. Юриб-юриб, ниҳоят, халифанинг саройига боради.

Халифанинг мулозимлари бадавийни очиқ чехра, ширин сўзлар билан кутиб оладилар ва саройга бошлиб борадилар.

Халифанинг саройи Дажла дарёси қирғоғида эди. Ҳалиги одам күзадаги сувни халифага тақдим этади. Олиб келган сувини қайта-қайта мақтайды.

Халифа раҳмат айтиб сувни олади. Күзани олтинга түлдириб одамга қайтаради. Мулозимларига:

— Чўл йўли анча узоқ. Бу одамни Дажла орқали кема билан юборинг, — деб тайинлайди.

Халифанинг одамлари бадавийни кемага миндириш учун Дажла бўйига олиб келишади. Бадавий жўшиб оқаётган зилол ва тотли сувли Дажлани кўриб хижолат бўлади. Халифанинг бу эҳсони, марҳамати қаршисида ҳайрат ичра қолади («Маснавий», 1-жилд, 2684 – 2865-байтлар).

Шарҳ:

«Маснавий» шориҳлари бу ҳикоядан инсон ҳолатига оид хуносалар чиқаришади. Бу ерда эркак ақлнинг, аёл эса нафснинг тимсоли. Буларнинг табиатида баҳслashiш, тортишиш бор. Рисоладаги ҳолат эса ақл ва нафснинг келишувларидир.

Ҳикоя қаҳрамонлари чўлда яшайдиган инсонлар. Чўл шароитида сув энг қийматли нарса, чунки тақчил. Кам топилувчи нарса эса ҳамиша қадрли бўлади. Бир жойга совға олиб бормоқчи бўлсак, энг мақбулини танлашни истаймиз. Чўл инсони учун сув энг қийматли неъмат. Шунинг учун ҳукмдорга бир кўза сув олиб бормоқчи бўлди. Бу ҳолат унинг нақадар соғ ва нияти холис эканини кўрсатмоқда.

Саройга боргач, ўзи учун жуда қийматли ҳисобланган сув тўлдирилган кўзани халифанинг одамларига узатар экан:

— Бу камтарона ҳадяни у улуғ султонга етказинг. Ичидаги сув ширин сувдир, ҳақиқий раҳмат (ёмғир)

— сувидир, бир чуқурда тўплагандим, — дейди. Халифанинг одамлари бадавийнинг кўзасини олар эканлар, кулимсирашдан ўзларини тўхтатолмайдилар, бироқ самимий ва сидқидилдан тақдим этилаётган совғани эҳтиром ила қабул қиласидилар.

Халифа чўл арабидаги рух тозалиги ва софликни сезади. Унинг кўзасини олтинга тўлдиради. Эшигига келган бу Аллоҳ меҳмонини яна бошқа ҳадялар билан сийлайди, кийинтиради ва одамларига шундай буюради:

— Меҳмонимизни ватанига Дажла орқали кузатиб қўйинг, дарё йўли қуруқлиқдаги йўлдан қисқароқдир.

Мақсади — олиб келган суви эвазига айни пайтда унга Дажлани кўрсатишдир. Чунончи, Дажлани кўрган бадавийнинг ақл-ҳуши бошидан учади. Бундай жўшқин ва гўзал оққан мўл сувни умри бино бўлиб кўрмаганди, чунки яшаб турган чўлдан ҳеч ҳам ташқарига чиқмаган эди. Шунда кимга нима олиб келганини англади. Халифадаги маънавий юксакликка гувоҳ бўлди. Ва шундай деди:

— Бу нақадар улуғ подшоҳдирки, ўзида Дажладек дарё тўла суви бўла туриб мен олиб келган бир кўза ёмғир сувимни қабул этди. Арзимаган совға эвазига шунча марҳамат кўрсатди. Роббим, бу қандайин буюклик!

Халифанинг бадавийга эҳсон қилишига бир сабаб — ундаги покиза руҳни кўрганидир. Бу ўринда қаноат ва ихлос тушунтирилмоқда. Шавқ руҳни нечоғлик юксакларга олиб чиқиши ҳикоя қилинмоқда.

Мавлоно дарҳол ўргага кириб бундай дейди: «Эй ўғил! Бу кўза бир мисолдир ва бу оламнинг мисолидир. Бу кўзанинг ичида ирфон ва гўзаллик бор. Бироқ бу кўза тўла гўзаллик ва ҳикмат у улуғ Подшоҳ-

нинг, у улуг Яратувчининг гўзаллиги ва ҳикмат дарё-
сига нисбатан бир томчи ҳам эмасдир»

Ва яна давом этади: «Айтган ҳикоя аслида ўзимиз-
га тегишилдири. Ҳикоядаги араб ҳам, кўза ҳам, кўза
ичидаги сув ҳам бизлармиз»

Ҳикоядаги эркакни ақл, нафс ва очкўзлик (таъ-
магирлик)ни эса аёл дея билгайсан. Бири нурга, бош-
қаси зулматга элтишини ҳисобга ол. Аммо рух тўғри
йўлни топгач, нафс ва ақл бир-бирини қўллаб-кув-
ватлаган ҳолда нурга етгайлар.

Инсон илоҳий васфларнинг бир тажаллийси ўлароқ
яратилган. Шунинг учун, масалан, ақл ва нафс бир-
бирининг зидди ва бир-бирига тескаридек кўрина-
дилар. Бироқ илоҳий васфлар айни пайтда бирлик
рангига чулғаниб, бир бутун бўладилар. Худди шу
каби инсондаги нафс ва ақл ҳам ваҳдат рангига чул-
ғаниб бутунлашадилар.

Инсондан кутилаётгани ҳам ана шудир. Инсон дунё
ва охират саодатига ана шундагина эришади.

ТҮҚҚИЗИНЧИ ДАРС

ТИЛШУНОС ВА ҚАЙИҚЧИ

Бир куни мағур тилшунос соҳилда турган қайиққа миниб қарши томонга ўтмоқчи бўлади. Соҳилда мижоз кутиб турганни чақиради. Қайиқ яқинлашади, олим қайиққа чиқади. Қайиқ дengiz узра сузуб боркан, олим қайиқчидан сўрайди:

- Сен ҳаётингда наҳв (грамматика) ўқидингми?
- Йўқ, мен оддий бир қайиқчиман.
- Бай-бай, бу гапингта жуда хафа бўлдим. Демак, умрингнинг ярми бекорга кетибди-я, — дея қайиқчига ачиниб қаради тилшунос.

Қайиқчи бу дағал ва томдан тараша тушгандай гапдан оғринса-да, сир бой бермади. Иттифоқо, худди шу пайт тўфон туради. Қайиқ дengиз ўртасида чайқалар, қайиқчи бор кучи билан ҳалокатни енгишга ҳарарат қиласади. Тўфон борган сайин кучаяр, қайиқ чўкиш арафасида эди. Шунда қайиқчи рўпарасида қўрқувдан дир-дир титраётган олимдан:

- Ҳой билимдон дўстим. Айтгин-чи, сузишни билласанми? — дея сўради.

«Йўқ» деган жавобни олган қайиқчи деди:

— Бай-бай, сен умрингни бекор ўтказибсан. Ҳозизир бутун умринг кетди. Чунки бироздан кейин қайиғим чўқади. Билиб қўй, ҳозир бу ерда наҳв (грамматика) илми эмас, маҳв (фано бўлиш) илми қўл келади. Агар маҳв илмини билсанг, хотиржам ўзингни дengизга от!

*Ел туриб дengизга солди кулгула,
Кемачи сўрги баланд овоз ила:*

- Ҳеч билурмисан сузишни, сўйлагил?
— Йўқ, бу ишдин бехабарман, — деди ул.

*Деди: «Сен гирдобга боқ, эй ошна,
Кулли умринг энди топгайдир фано.*

*Наҳв эмас, маҳв бунда лозим, англагил,
Маҳвий эрсанг, йўқ хатар, дарёга кир».*

Мавлоно шундай ўгит беради: «Алломаи замон бўлсанг ҳамки, дунёнинг йўқлигини (фанолигини) кўр, вактнинг фанолигини ҳам. Грамматикачини сизга йўқ, бўлиш грамматикасини ўргатиш учун ҳикояча ичида ҳикоя қилдик. Фиқҳни билишни ҳам, наҳвни таҳсил этишни ҳам, сафдаги ўзгаришларни ҳам йўқ, бўлишда топарсан» («Маснавий», 1-жилд, 2835).

Шарҳ:

Мавлоно Жалолиддин Румий қуруқ илми билан мағрурланган одам устидан куладилар. Тилшунослик (наҳв, грамматика) тўғри фикрлаш, тўғри тушуниш ва тўғри ёзиб гапириш учун, шубҳасиз, ниҳоятда керакли илм соҳасидир. Бироқ илм назарияда қолиб, амалиётга татбиқ қилинмаса, бефойда.

Ҳикоямиздаги тилчи илми билан фууруга берилиб, бу илмлардан бехабарларни одам ўрнида кўрмайдиган махмадона кимсалардир. Булар ҳалққа беписанд қарайдилар ва ҳеч кимни ҳурмат қилмайдилар. Ҳолбуки, уларнинг билимлари ўзларини овутишдан бошқа нарсага ярамайди.

Ҳикояда ҳазрат Мавлоно «маҳв илми» дея таърифлаган тушунча устида тўхталиш мақсадга мувофиқдир.

Грамматика, яъни наҳв илми яхши, чиройли, бироқ маҳв, яъни «йўқ бўлиш» илми бўлмагач, фойда бермайди, дейилмоқчи.

Хўш, бу маҳв илми, яъни Аллоҳда йўқ бўлиш, фано филлоҳ тушунчасининг ўзи нима? Бу баҳс тасаввуфдаги кенг мавзудир. Мазкур даражага эришиш учун ишни ёмон феъл-атвор ва одатларни йўқ қилишдан бошламоқ керак. Ёмонлари йўқ бўлгач, ўрнига яхши хислат, феъл-атвор келади. Кибр кетади, ўрнига камтаринлик келади. Хасислик ўрнини сахийлик эгаллайди. Кин-адоват йўқ бўлгач, севги ташриф буюради. Жаҳолат йўқ бўлса, илм келади.

Албатта, бу осон нарса эмас. Соғлом эътиқод, қатъият ва ички назорат керак. Бундан ташқари, масала-га жиддий қараш қатъий қарор, азм-шижоат талаб этади. Шундагина киши камчиликларини бир-бир тузатиб, «маънавий юклар»дан қутулади, руҳи енгил тортади ва комил инсонга айланади. «Маҳв» илмининг охири Аллоҳдан бошқа ҳар нарсани кейинга сура оладиган етукликка эришмоқдир.

Бу маънодаги йўқ бўлиш шахсиятнинг задаланиши ва ўчирилиши эмас, балки янгича бор бўлиш, янгича шахсиятнинг шакланиши (тაъбир жоиз бўлса, қайта туғилишдир – А.Т.). Ҳақиқий ҳуррият ҳам мана шудир. Ёмон феъл-атвори, заифлик ва эҳтиросларининг қуткусидан қутулган инсон том маънода ҳур ҳолга келган, демакдир. Энди у ишларида тўғри, мантиқли ҳаракат қиласи. Соғлом фикрлайди, мулоҳаза юритади.

Комиллик йўлига кириш учун, аввало, касалликнинг ташхиси лозим. Шундан сўнг бу касалликни бартараф қилишга файрат қилинади. Нафсига енгилиб ёмон хатти-ҳаракат содир этган кишининг вазифаси қилмисига пушаймон бўлиш ва дарҳол яхшиликка юз тут-

моқдир. Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Ёмонликдан кейин бир яхшилик қилки, у ёмонликни ўчирсинг», дея марҳамат қиласидар (Термизий, «Бирр», 55).

Ёмон феъл-атворни ўзидан даф қилмоқчи бўлган киши учун бир йўл бор. Бу йўл у феъл-атвор, одатнинг тескарисини қилишдир. Ҳар нарсани тескариси синдиради. Худбинлик дориси тавозеъ, хасислик дориси хайр-эҳсон. Яхши муносабат аввалига қийин туюлсада, кейинчалик табиий ва завқли ҳолга айланади.

Ҳа, бу ҳол осон кечмайди, комил инсон даражасига етишнинг ўзи бўлмайди. Касаллик томир отган бўлса, даволаш ўша нисбатда қийин кечади. Тасаввуф тарихида бунга алоқадор ибратли мисоллар бор.

Масалан, Азиз Маҳмуд Худойи (1541-1628)нинг маноқибларида шундай ҳикоя қилинади: Бурсада мударрислик ва қозилик қиласар экан, яна-да етук бўлмоқ ва маҳв илмини эгалламоқ истайди. Уфтода исмли бир улуғ зотга талаба бўлади. Унинг тарбиясига киради. Бир куни Уфтода ҳазратлари ундан сўйилга (таёқقا) осилган ўпкаларни елкасига олиб, Бурса кўчаларида сотишини буюради. Эскидан кўчаларда ўпка сотадиган сайёр сотувчилар бўларди. Худойи бу амрни жону дилдан бажаради. Одамлар гапиришини ўйламайди. Мақсад унинг шу йўл билан пул топишини таъминлаш эмас. Асл мақсад шу пайтгача эга бўлган мансаб, мавқе туфайли қалбига кириб қолган ўзига бино қўйиш ва фуурнинг таъсирини маҳв этиш (йўқ қилиш)дир.

Ҳазрат Мавлоно юқоридаги ҳикоя давомида қўйидагини эслатади: «Денгиз суви ўликни устида ташийди, бироқ денигизга тушган одам тириқ бўлса, қандай қутулади? Агар сен ҳам башарият хусусиятларидан ўлсанг (халос бўлсанг), ҳақиқат сирларининг денигизи сени бошининг устида ташийди».

Ўнинчи дарс

ВУЖУДИГА ИГНА БИЛАН РАСМ СОЛДИРГАН ОДАМ

Қазвинликлардан бири (Қазвин Эронда бўлиб, Техроннинг шимолий-фарбидаги бир шаҳар) вужудига арслон суратини солдирмоқчи бўлади ва игна билан расм солувчига боради:

— Уста, менга расм сол, бироқ жоним оғримасин!..

Игна билан расм солувчи уста сўради:

— Қанақа расм солишимни истайсан?

— Мучалим арслон. Шунинг учун арслон расмини чиз. Қара, яхши чиқсин.

— Расмни танангнинг қаерига чизай?

— Икки елкам орасига.

Уста игналарни қўлига олиб ишга киришади. Мижознинг жони оғрийди ва бақира бошлайди:

— Ҳой уста, мени ўлдирмоқчимисан?

— Ахир, ўзинг арслон расмини сол, дединг-ку!

— Қаеридан бошладинг?

— Думидан.

— Худо хайрингни бергур, уста, қўй, шу арслон думсиз бўла қолсин. Оғриқдан жоним бўғзимга келди.

Мижознинг бу илтимосидан сўнг уста арслоннинг бошқа бир жойининг расмини чизиш учун игна санча бошлади. Иттифоқо, қазвинлик яна дод солди:

— Энди арслоннинг қаерини чизяпсан?

— Қулоғини чизяпман.

— Устажон, шу арслон қулоқсиз бўла қолсин. Жоним ёмон оғриди.

Энди уста арслоннинг бошқа бир аъзосини чизишга киришди.

— Бу сафар қаерини чизмоқчи бўляпсан? —
деди яна жон аччиғида қазвингли.

— Азизим, ҳайвоннинг қорнини чизишга ҳаракат
қиляпман.

— Игна санчишни ҳозироқ бас қил, оғриқча чи-
долмаяпман. Шу арслоннинг қорни бўлмаса, нима ҳам
бўларди?

Қазвингли мижозининг бу гапларидан жаҳли чиқ-
кан уста игналарни ерга отиб:

— Худойим, менга тўзим бер. Бу бошимга тушган
оламда ҳеч кимнинг бошига тушмагандир. Ҳеч дум-
сиз, бошсиз, қулоқсиз ва гавдасиз арслон бўладими-
а?! Бундай арслонни ким кўрибди? («Маснавий», 1-
жилд, 2981-байт.)

*Игначи ағрайди, ҳайрон бўлди ул,
Бир нафас лолу паришон бўлди ул.*

*Игнани отди, деди: «Бу не юмуш?
Бўйласи ҳеч бир хаёлга келмамиш.*

*Шер бўлурми бошсизу думсиз, аё?
Бўйла бир шерни яратганми Xugo?..»*

Шарҳ:

Игнада расм солдириш милоддан аввалги ибтидоий
жамоалардан қолган бир одатдир. Бу жамоаларда ўзига
безак бериш ва ёмон рухлардан сақланиш мақсадида
кўпинча баданига расм солинарди. Бу одат XVIII-XIX
асрларда Фарбда кенг тус олди. Маълум пайт инглиз
корчалонлари ўртасида мода бўлди.

Дастлабки игна билан расм чизиш ёнма-ён кичик
тешиклар очиб, бу тешикларга ис, сурма, сиёҳ, хина,

шивит каби рангли моддалар тўлдириш усулида амалга ошириларди. Ҳикоямиздаги устанинг шу усулда ишлаши англашилмоқда.

Ҳозирда эса маҳсус анжомлардан фойдаланилади. Бундан ташқари, оғриқни сездирмаслик учун этни караҳт қилдирувчи укол қилинади.

Илоҳий динлар бу ишнинг нотўғри, номаъқул эканини айтади. Тавротда қатъий ифода билан таъқиқланади. Жаноб Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳадисларида игна билан расм солиш одатидан қайтарилган.

Ушбу таъқиқнинг моҳияти қуйидагича: инсоннинг табиий кўринишида жиддий, мажбурий бир сабаб бўлмаса, ўзгартириш киритиш тўғри эмас. Инсон энг гўзал шаклда яратилди, унга ташқи бир қўшимча таъсир кўрсатиш яхши эмас. Игна билан вужудга расм солишнинг соғлиқка ҳам зарарли экани маълум

* * *

Ҳикоя сўнгтида ҳазрат Жалолиддин Румий қуйидаги ўгитни беради: «Биродар, игна ярасига сабр қилки, кофир нафсинг игнасидан халос бўлгайсан!»

«Вужудида нафси ўлган кишининг фармонига қуёш ҳам тобедир, булат ҳам»

Яъни, оғриқни сезмайдиган даражада вужуддан қутулган кўнгилларда ҳақиқий арслон ётади. Аллоҳ ўйлидаги мард-жасурлардирки, уларга бутун фалалар бўйсунади.

Румийнинг бу ҳикоя орқали айтмоқчи бўлган гапи баланд савияда ва Мавлонога хос бир тафаккур ифодасидир. «Игна ярасига сабр этсанг, ёмон нафсинг зарарларидан омон қолгайсан», дейди у.

*Игна санчилганда, ошнам, сабр қил,
Игначи нафсинг яросидин қутул.*

*Ул гурухга, улки соф, ҳолий вужуд,
Чарх офтоб, ой мудом айлар сужуг.*

*Кимки ўз нафсини ўлдирмиш тугал,
Үнга офтобу булут ҳам бош эгар.*

Мавзуни янада соддалаштирган ҳолда қўйидагиларни айтиш мумкин: ҳеч қандай муваффақият, ҳеч бир гўзал натижа осонгина, заҳматсиз қўлга киритилмайди. Ҳар нарсанинг бир бадали бор. Орзу қилинган натижага эришмоқ учун заҳмат ва кулфатларга бардош бериш керак.

Масалан, ибодатларимиз бир неча фидокорликларни талаб этади. Таҳорат, намоз, рўза туфайли берилажак маънавий гўзалликларга эришиш учун ўз вақтида бъэзи заҳматларга чидаш тақозо этилади. Ҳаж ибодати моддий ва маънавий жиҳатдан чидамли бўлишни талаб қилувчи ибодатdir.

Худди шу каби нафсни енгиб маънавий юксакликка, баркамолликка етмоқ учун бу борада йўл-йўриқ кўрсатувчи кишининг тавсияларига риоя этмоқ керак. Бу тавсиялар аввалига инсонга қийин, оғир туюлиши мумкин. Аммо аслида бу қийинчиликларга чидашга арзийди. Чунки қўлга киритилажак натижа ҳақиқатан бебаҳодир.

* * *

Бемор киши доктор берган дорини, гарчи улар аччиқ бўлса-да, ичади, акс ҳолда тузалмайди. Керак бўлса, жарроҳлик амалиётига мурожаат қилишга тўғри келади. Бу хил жарроҳлик амалиётлари жараёнидаги қийинчиликларга бардош берган касал тузалади.

Таълим заҳматларига чидамаган илм ола билмайди.

Холдан тойдирувчи ва оғир машқларга чидамаган спортчи бу соҳада муваффақият қозонолмайди.

Бинобарин, маънавий етукликка, юксак ахлоқ дарражасига эришмоқ учун ҳам нафсимиз истакларига, ҳирсларимизга, кибр ва ғуруримизга қарши турмоқни ҳам билишимиз зарур. Бутун бу қийинчиликларга эътибор бермасак, омадга эришолмаймиз. Худди игнанинг оғриғига чидай олмаган ва натижада танасига арслон расмини чиздиролмаган кишининг ҳолига тушамиз.

Ўн биринчи дарс

КАРНИНГ БЕМОР ЗИЁРАТИ

Бир кар одам қўшниси касал бўлганидан хабар топди ва ўзича шундай ўйлади: «Қўшнимни бориб кўриб, ундан ҳол-аҳвол сўрашим лозим. Аммо мен карман, қулогум эшитмайди, у эса касал — овози чиқмайди. Дарвоқе, касалдан сўраладиган саволлар ҳам, олинажак жавоблар ҳам маълум. Мен: «Қандай-сиз?» дейман, у: «Яхшиман, раҳмат», дейди. «Нималар еяпсиз?» деб сўрайман, албатта, бирор овқат номини айтади. Мен: «Ош бўлсин», дейман. «Қайси табиблар келяпти?» деган саволимга ҳам бирор исмни айтиб жавоб беради. Мен: «Яхши табиб», дейман — вассалом».

Кал касалнинг ёнига бориб, бош томонига ўтирди ва:

— Қандайсиз, қўшнижон? — дея ҳол-аҳвол сўрай бошлади. Касал инграб:

- Ўляпман! — дея жавоб бергач, кар:
- Оҳ-оҳ, жуда курсанд бўлдим, — деди.
- Бу нимаси, мен ўламан, десам, бу куламан, дейди?! — дея жаҳли чиқди bemorning.

Кар яна сўради:

- Нима еяпсиз?
- Заҳар! — деди bemor жаҳл билан. Кар бирор овқат номи деб гумон этди:
- Ош бўлсин!..

Касалнинг тоқати тоқ бўлди.

- Даволашга қайси табиблар келяпти?
- Қани, йўқол бу ердан! Азроил келяпти! — дея тутокди бечора касал.

— Жуда билимли, тажрибали табиб у... Иншааллох, яқында бир чорасини топади.

Касал ортиқ чидай олмади:

— Йўқо-о-ол! — дея бақирди.

Кар эса қўшнилик ҳаққини адо этганидан мамнун бўлиб чиқди.

*Бас, ўшалар хушу хурсанддир ҳамон,
Қўшнилик ҳаққин бажо этдим, дебон.*

*Ўзи билмасдан олов ёндириди ул,
Ўзни ёқди, хастани куйдириди ул.*

*Фаттақун-нар ал-лати авқодтуму,
Иннакум фил-маъсияҳ изгадтуму.*

«Ўзингиз ёқдан оловдан сақланинг. Чунки гуноҳларингизни оширдингиз» (Бақара сурасининг 24-оятига ишора).

«Маснавий» эслатади:

«Кар қилган қиёси туфайли ўн йиллик дўстлиги ва ҳол-аҳвол сўраши бекорга кетди. Сенинг туйғу қулогинг кар бўлса, кўнгил қулогинг очиқ бўлмоғи керак. Кўнгил қулоги ҳар нарсанни сезади, эшитади» (1-жилд, 3360-байт).

Шарҳ:

Ҳикояни Мавлоно ҳазратлари ҳам, шориҳлар ҳам изоҳлаган. Шориҳлардан бирининг айтишича, карнинг касал зиёратига бориши холис Аллоҳ розилиги учун эмас эди. Қўшничилик мажбурияти остида эди у. Нияти холис бўлмагани учун савоб тополмади, бу зиёрати касални ҳам зериктирди. Оқибат қўшни билан ораси бузилди. Кўз-кўз қилиш учун бажариладиган ишларнинг оқибати ана шундай бўлади.

Мавлоно айтадилар: «Қулоғи эшитмайдын зиёратчи зиммадаги құшничилик вазифамни адо этдим, дея хурсанд зди. Ваҳоланки, хаста қалбига олов ташлаган, у оловда ўзини ҳам күйдирган зди.

Күз-күз қилиш ниятида ибодат этиб савоб олдим, дея ўйлаган кимсаларнинг ахволи ҳам шундай. Бундай амаллари эвазига савоб эмас, жазо оладилар».

Мавлоно яна айтадилар: «Эй риёкор, хўжакўрсинга амал қилувчилар! Ушлаб турган чўғдан эҳтиёт бўлинг. Сиз уни гуноҳларингиз билан кўпайтириб, шу боис уни аланга олдирдингиз».

Дарҳақиқат, жаннат ҳам, жаҳаннам ҳам бу дунёдаги амаллар эвазига қўлга киритилади. Дунё охират экинзоридир. Нима эксан, шуни ўрамиз. Охиратда азоб кўрадиган киши оловини шу ердан олиб боради. Дунёдаги барча эзгу амаллар жаннатдаги неъмат кўри нишида, ёмонликлар эса азоб бўлиб қаршимизга чиқади. Иймонли, яхши инсон дўзахдан омон қолади.

* * *

Насриддин Афанди билан боғлиқ бир латифани айтишади. Афанди бир кишидан «Ўлим қандай бўлади?» деб сўрайди. «Инсоннинг оёқ-қўли муздай қотиб қолади», дея жавоб беради ҳалиги одам.

Афанди қиши пайти даладан қайтар экан, йўлда жуда совук қотади, оёқ-қўли музлаб уюшади. «Ўлдим, шекилли», деган ўй билан йўл четидаги қабристонга киради. Янги қазилган очиқ мозорга кириб ётади.

Қоронғи тушгач, бехосдан қўнфироқ овози эшитилади. «Нима тап?» дея қизиқиб ўрнидан туради. Иттифоқо, бу пайт йўлдан устига чинноворлар ортилган хачир карвони ўтаётган экан. Зим-зиё тун, жимжитлик қўйнида Афанди кутилмаганда ўрнидан тургани учун хачирлар ҳуркиб дуч келган томонга қоча

бошлайди. Тўполонда бир неча идиш синади. Хачир эгалари Афандини тутиб олиб, роса дўппослайдилар.

Бечора Афанди туртиниб-суртиниб, зўрға шаҳарга етиб келади. Уни бундай паришон ҳолда кўрганлар қаердан келаётганини сўрашади. Афанди охиратдан, деб жавоб беради. «У ерда нима гаплар?» деб сўраганларга Афанди: «Идиш ортилган хачирларни ҳуркитмасанг, ҳаммаси жойида бўлади!» деб айтади.

Бу жуда орифона бир жавобдир. Бу дунёда чинниворчиларнинг хачирларини чўчитмаганлар ва финжонларнинг синишига сабаб бўлмаганлар, яъни Аллоҳ ва бандаларининг ҳаққини поймол қилмаганлар охиратда азобга ҳам, жазога ҳам дучор бўлмайди.

* * *

Зиёратчи ва касал муносабати боис Мавлоно Румий баъзи ўтитлар берадилар. Қийин пайтларда хотиржам ҳолда жаҳлни енгишни тавсия этадилар. Қуръони каримда бундай инсонлар ҳақида «фазабларини ичларига ютадиган, одамларнинг (хато-кимчиликларини) афв этадиган кишилардир. Аллоҳ бундай яхшилик қилувчиларни севади» (Оли-Имрон, 134), дея марҳамат қилинади. Бунга қўшимча тарзда қуйидаги ҳикоят келтирилади.

* * *

Бир куни ҳазрат Ҳусайннинг уйига меҳмон келади. Хизмат қилаётган қули овқат келтирас экан, бехосдан қўлидаги товоқ сирпаниб тушади ва иссиқ овқат ҳазрат Ҳусайннинг устига тўкилади. Ҳам устбоши кирланади, ҳам баъзи жойлари енгил куяди. Ҳазрат Ҳусайн хизматкорга танбех бериб, унга фазаб билан қарайди. Зукко ва илмли қул дарҳол бўйинини букиб юқоридаги оятнинг аввалги бўлимини ўқиуди:

«Вал козимийнал ғойзо» («ғазабларини ичларига ютадиган»). Ҳазрат Ҳусайн:

— Газабимни енгдим, — дейди. Хизматкор оятнинг давомини ўқийди: «Вал оғийна анинаас» («инсонларнинг (хато-камчиликларини) афв этадиган кимсалардир»). Ҳазрат Ҳусайн:

— Сени афв этдим, — дейди. Хизматкор давом этади: «Валлоҳу юҳиббул-муҳсийнийн» («Аллоҳ бундай яхшилик қилувчиларни севади»). Ҳазрат Ҳусайн табассум қиласи ва:

— Эй қул, сени озод этдим, энди озодсан, — дея хушхабар беради.

Охир-оқибат қул билими ва одоби туфайли озод бўлади.

Ўн иккинчи дарс

КҮНГИЛ ОЙНАСИ

Ушбу ҳикояда ўзаро тортишган икки гурух – энг машхур рассомлар ҳақида гап боради. Улар хитойлик ва Рум, яъни Онадўли рассомлариdir.

Ўша даврнинг ҳукмдори бу икки гурухни яратиштиromoқчи бўлди. Катта бир хонанинг деворлари бе-затилиши керак эди. Хонанинг ўртасига бир парда – тўсиқ тортилиб, хона иккига бўлинди. Бу билан бир-бирига тақлиднинг олди олинди. Хонанинг бир бўлими хитойлик, иккинчи қисми эса Онадўли рассомла-рига берилди.

Хитойлик рассомлар жуда моҳир эдилар. Улар тўхтовсиз хилма-хил бўёқ сўраб туришди. Хазина ҳисобидан уларга сўраган барча нарсалари берилди. Хитойликлар ўз бўлимларини фавқулодда гўзал расмлар билан безатдилар.

Хонанинг иккинчи томонидаги рассомлар эса бошқачароқ йўл тутдилар. Улар ортиқча бўёқ талаб қилмадилар. Деворларни яхшилаб тозалаб, шаффоф бўёқ билан жило бердилар. Натижада девор ниҳоятда порлоқ ҳолга келди.

Берилган муддат тугагач, подшоҳ ва ҳайъат аъзолари аввалига хитойлик рассомларнинг асарини кўрдилар ва маъқул топдилар. Дарҳақиқат, хитойликлар кўз қамаштирувчи гўзал расмлар солишганди.

Навбат Онадўли рассомларининг ишига келди. Рас-сомлар аввал икки бўлимни ажратиб турган ўртадаги тўсиқни олиб ташлашни сўрадилар. Парда олингач, Онадўли рассомларининг девордаги расми ҳаммани лол қолдирди. Расмлар бор ҳолича роса жило берил-

ган қарши деворда акс этарди. Ҳатто расмнинг акси янада тароватли, сирли кўринарди. Оқибатда улкан мукофот О나дўли рассомларига берилиди.

Ҳикоя сўнгидаги Мавлоно Румий шундай эслатади: «Икки юз хил рангта бўянимоқдан кўра рангизлил яхшироқ. Эй ўғил, онадўлилик рассомлар сўфийлардир, уларнинг ёдлайдиган дарслари, китоблари йўқ, аммо улар кўнгилларини яхшигина, рисоладагидек безашган. Ҳой-ҳавас, ҳирс, хасислик – зиқналил ва кин-адоватдан поклагандирлар. Чунончи, кўнгилларга сайқал берганларидан илоҳий гўзалликларни ҳеч қийналмай кўра оладилар».

Шарҳ:

Во ажаб! Кўнгилга жило бериш нима дегани?

Инсоннинг кўнгли энг қимматбаҳо жавҳардир. Бинобарин, унга қаттиқ эътибор бериш лозим. Уни кераксиз, бемаъни, бефойда нарсалар билан тўлдиришдан эҳтиёт қилиш керак.

Ҳар аъзоннинг бир яратилиш тояси, мақсади бор. Қалбнинг яратилишидан мурод Аллоҳ севгиси ва эътиқодига саҳна бўлмоғидир. Агар инсон қалбига ўткинчи орзу-ҳаваслар ва севгилар киритилса, уни мақсадига номувофиқ қўллаган, кирлатган бўлади. Чунончи, қалбнинг тозаланиши, жилоланиши ва порлатилиши – Аллоҳ инончи ва севгисидан бошқа қизиқиш ҳамда севгиларни қалдан чиқариш, демакдир. Бу қийин иш, аммо имконсиз эмас. Комиллик айни пайтда соғлом шахсият ва сажияга (характерга) эга бўлмоқдир.

Қуръоннинг ўн икки жойида **«қалбларида касали борлар»** ҳақида сўз юритилади. Бу ўринда қалдаги маънавий касаллик назарда тутилади. Қалбнинг маъна-

вий хасталикларига бузғунчилик, икки юзламачилик, бағритошлик, эътиқоди сустлик, ёмон ниятли бўлиш, нафсига асирик кабилар киради.

Қуръони каримнинг бошқа бир оятида жило берилган қалб «қалби салим», яъни соғлом, саломат қалб дея эсга олинади ва шундай марҳамат қилинади: «Ўша кун мол ва фарзандлар фойда бермайди, факат Аллоҳга покиза қалб билан келганлар нажотта эришадилар» (Шуаро сураси, 88 – 89-оятлар).

Бағдодик шоир Руҳий (1014/1605 йилда вафот этган) бу байтнинг маъносини назмда қуидагича ифодалайди:

*Ўйлама, эй хўжа, сендан зару сийм сўрарлар,
«Йавма ла йанфау»да қалби салим сўрарлар.*

Машҳур бир ҳадиснинг мазмуни қуидагича: «Аллоҳ, сизларнинг шаклларингизга, яъни ташқи кўри нишингизга қарамайди. Қалбларингиз ва ишларингизга қарайди» (Муслим, «Бирр», 32).

Инсоннинг борлиғида кўнгилнинг ўрни катта. Каъба мусулмонлар учун нақадар қийматли бўлса, инсон кўнгли ҳам шу қадар қийматлидир.

Абдураҳмон Жомий ёзадилар:

*Каъба бунёдкори Халили Озар аст,
Дил назаргоҳи Жалили Акбар аст.*

(Каъба Озар ўғли Иброҳим қурган бинодир, ваҳоланки кўнгил Аллоҳ таолонинг назаргоҳидир.)

Юнус Эмро шу мазмунда қуидагиларни айтади:

Кўнгулми хуш, Каъбами хуш, айт менгага, эй ақли расо,

Кўнгул хушдурур, зеро ким кўнгулдагир дўст туроги (бекати).

Қуидаги ҳадиси қудсийда Аллоҳ шундай дейди: «Мен еру кўкка сифмайман, аммо мўминнинг қалбига сифаман».

Дарҳақиқат, иймоннинг ўрни қалбидир. Бинобарин, кўнгил инсон қадар аҳамиятли, қийматлидир.

Ўз кўнглимизни покиза тутишга ҳаракат қилиш асосий вазифамиз бўлганидек, бироннинг кўнглини оғритмаслик, уни хафа қилмаслик ҳам муҳим вазифа саналади. Бунга ниҳоятда эътибор бериш зарур. Кўряпсизки, масала шахсийликдан ижтимоий аҳамиятта томон кенгайиб бормоқда.

Ҳазрат Алишер Навоий эса кўнгли чўккан, хафа одамни севинтириш катта савоб эканини мана бундай ифодалайдилар:

*Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлагай,
Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлагай.*

Ҳатто Юнус Эмро кўнгил ранжиттан кишининг намоз ва ҳаж ибодати гўё бекорга кетганга яқин ҳисоблайди:

*Бир бор кўнгил йиқдинг эса, бу қилганинг намоз эмас,
Етмишикки миллат ҳатто кўлинг, юзинг поклай олмас.*

Намоз ва ҳаж – Ислом динидаги икки муҳим ибодат. Дилни оғритмаслик эса ахлоқий муносабатdir. «Булардан қай бири қийматлироқ?» деган тортишув ўринсиз ва бизни мақсад сари етакламайди. Аммо, биламизки, диннинг иймон, ибодат ва ахлоқ дея номланган уч асосий унсурлари бир-бири билан мустаҳкам боғлиқ. Қуръонда ибодатларнинг ахлоқий натижаларига кенг ўрин берилади. Масалан, «Муҳаққақ, намоз ҳаёсизлик ва ёмонлиқдан қайтаради» (Анқабут сураси, 45-оят). Бу уч тамал – унсур муносабатини қўйидаги мисолда тушунтириш мақсадга мувофиқдир: динни бир дарахтга ўхшатсак, иймон унинг танаси, ибодат шохлари ва барглари, ахлоқ эса мевасидир. Мевасиз дарахтнинг қиймати йўқ. Инсонни ахлоқий комиллик сари етакламаган диндорлик ҳам ва-

зифасини адо этмаган ҳисобланади. Дарҳақиқат, на-
моз, рўза ва ҳаж ибодатларини диққат билан адо эт-
гани ҳолда инсонларга, ота-онасига, аҳли аёлига, фар-
зандларига нисбатан қўпол, қўрс, дилозор кимсанинг
фаолияти шаклдан бошқа нарса эмас. Шоир Аъзам
Ўқтамнинг «Ҳадик» номли қуидаги шеъри кишини
жиддий ўйлантиради:

*Бор-йўғимни этдим ҳайр-эҳсон,
Кечакундуз қилдим ибодат.
Охиратни ўйлаб ёнди жон,
Илм истаб югурдим фақат.*

*Қабул бўлмас бирортаси ҳам,
Бари кетар шекилли қуийб –
Бугун тонгда негадир отам
Қараб қўйди норизо бўлиб.*

Яна бир бор масаланинг шахсий қўламига қайтиб, шундай якун ясайлик: ҳикоя сўнгтида Мавлоно ҳаз-
ратлари таъкидлаганларидек, Онадўли рассомлари ор-
қали тамсил этилган сўфийлар кўнгилларига жило
берган кимсалардир. Зеро, тасаввуф энг аввало баша-
рий нуқсон-камчиликлардан халос бўлиб, покланиш-
ни ва ахлоқ гўзалигига эга бўлишни мақсад қиласди.

Қалб ойнасининг маънавий кирлардан тозаланиши
натижасида бир неча илоҳий гўзаликлар акс эта-
бошлайди. Мукофаша, мушоҳада, воридот каби ном-
лар билан аталувчи бундай ҳолатлар киши бу дунёда
яшайдиган энг баҳтиёр онлар бўлса, ажаб эмас.

Зеро, бу маълум маънода инсоннинг ўзлигини, яра-
тилиш тоғасини англаши, демакдир. Шоир Ҳожа Бай-
рам Валий ҳазратларининг қуидаги мисралари шун-
га ишоратдир:

*Балмоқ истасанг сени,
Жон ичра қидир жонни.
Кеч жонингдан, топ уни,
Сен сени бил, сен сени.*

*Ким билди афъолини,
Ул тонгу сифотини.
Анда тонгу зотини,
Сен сени бил, сен сени.*

*Кўринган сифотингдир,
Ани кўрган зотингдир,
Файри не ҳожатингдир,
Сен сени бил, сен сени.*

*Кимки ҳайратга толди,
Нурга мустағрақ бўлди,
Тавҳиди зотни тонги,
Сен сени бил, сен сени.*

*Байрам ўзини билди,
Билганни анда тонги,
Тонган ул ўзи бўлди –
Сен сени бил, сен сени.*

Ҳадиси шарифда марҳамат қилинганидек, «Ким нафсини (ўзини) таниса, Раббини танийди».

* * *

Хожа Байрам Валий қаламига мансуб мана бу сатрлар ҳам кўнгил оламининг инжа сирларидан хабар беради, қолаверса, Жалолиддин Румий ҳикоясининг мазмун-моҳиятини чукур англашга ёрдам беради:

*На бўлди, кўнглим, на бўлди, кўнглим,
Дарду ғам ила тўлди бу кўнглим.
Ёнди бу кўнглим, ёнди бу кўнглим,
Ёнмоқдан дармон тонди бу кўнглим.*

*Ён, эй кўнгил, ён, ён, эй кўнглим, ён,
Ёнмоқдан бўлди дарсига дармон.
Парвона каби, парвона каби,
Шам ишқида ёнди бу кўнглим.*

*«Ал фақру фахри, ал фақру фахри»,
Демадиларми оламлар фахри?
Фақр фахрини, фақр фахрини
Маҳву фанода тонди бу кўнглим.*

Ўн учинчи дарс

ҲАЗРАТ АЛИНИНГ ДУШМАННИ ҮЛДИРМАГАНЛАРИ

Ҳазрат Али рақиби билан узоқ урушиб, ниҳоят, уни ерга йиқитдилар ва ўлдиromoқчи бўлдилар. Шунда душман аскари ҳазрат Алиниң муборак юзларига тупуради. Ҳазрат Али шундан кейин душманни қўйиб юборадилар. Ўринларидан туриб унга:

— Тур энди, кета қол, сени ўлдиришдан воз кечдим, — дейдилар.

Душман аскари бу ҳолдан ҳайрон қолиб дейди:

— Мени ўлдиришингта бир баҳя қолган эди. Нимага ўлдирмадинг?

Ҳазрат Али шундай жавоб бердилар:

— Мен сенга қарши Аллоҳ йўлида ва фақат Аллоҳ, розилигига эришиш учун жанг қилаётгандим. Сен юзимга тупурганингда эса жаҳлим чиқди. Агар шу аснода сени ўлдирысам, сенга қарши адоватим сабабли ўлдирган бўлардим. Бунда сени Аллоҳ йўлида эмас, ўз нафсим учун ўлдирган ҳисобланардим. Шу сабабли сени қўйиб юбораман.

Бу сўзларни эшитган рақиб бундай адолат ва нозик фаҳм-фаросат қархисида иймон келтириб, мусулмонлар сафига қўшилди («Маснавий», 1-жилд, 3721-байт).

Шарҳ:

Кундалик ҳаётда тез-тез йўл қўйиладиган бир хато бор: шахсий ва нафсоний масала билан диний ва улвий масала аралаштириб юборилади. Чунончи, бу хатти-ҳаракати билан неча инсонлар ўзи билмай шахсий орзу-истаклари, туйғуларига олий туйфу-тушунчаларни қурол қилиб қўяди. «Яхши, эзгу иш қилдим», деб ўйлаб катта хато ва гуноҳ қиласди.

Динда ҳар нарсани Аллоҳ ва Унинг розилиги учун қилиниши керак. Бирорни севмоқ, бирордан хафа бўлмоқ, унга жаҳл қилмоқ – барча амал фақат Аллоҳ, учун бўлмоғи лозим. Бу иймонда комиллик аломатидир.

Ҳазрат Али ўлдиришдан воз кечган маҳаллари ҳол тили билан бундай жавоб бердилар: «Мен қиличимни ўз кайфим учун эмас, Аллоҳнинг амри ила соламан. Коғир ва мунофиқлар бошини ҳам Аллоҳнинг амри билан оламан. Мен Аллоҳнинг шери (Шери Худо – А.Т.), Унинг қиличиман – ўз нафсимнинг, ўз кибр ва фуруримнинг эмас

Мен иймоним буюрганини адо этаман. Хатти-ҳаракатларим динга ишонганимнинг далили ва гувоҳи бўладилар.

Мен ҳақиқатда мен эмасман. Нафсини Аллоҳ йўлида йўқ этмоқ мартабасига ноил бўлганларданман. Мен учун Аллоҳдан ўзга ҳеч бир борлиқ йўқ. Ҳатто ўзим ҳам қиличимнинг шиддати ва енгилмаслиги ҳам менинг ҳунарим эмас. Қилич менини эмас, Аллоҳнинг қиличиидир. Инчунун, Аллоҳнинг қиличини фақат Ҳақ йўлида ишлатаман. Менинг қиличим зулм ва ҳақсизлик қонларига булғанмайди.

Мен сомон чўпи (хаси) эмасман. Балки ҳилм, сабртоқат ва адолатдан юзага келган бир тоғман. Нафс

тўйфонлари бундай улкан тонги қандай қилиб қимирлатса оларди?!

Нафс ва ҳаваснинг шундай терс эсувчи шамоллари борки, бу бир-бири билан тўқнашувчи шамолларга қарши кўкрак кермаганлар фақат хас-хашақдек заиф ва бебурд кимсалардир.

Ҳиддат (ғазаб), шахват ва эҳтирос шамоллари фақат ва ҳар он Аллоҳ девонида турмаган кимсаларни новдаларидан узилган қуруқ барглар мисоли ерларда судрайди.

Менинг ҳеч кимсага қарши кин ва ғазабим йўқ. Инсонларга хос бу иллатлардан ҳур ва озодман. Бу эса сен билан озод ва ҳур бир рух гаплашмоқда, демакдир. Унинг гувоҳлигини эшитмоқдасан. Биласанки, ҳур бўлмаган, асир ёхуд қулларнинг гувоҳлиги, агар ўз нафсларининг қули бўлсалар, бир пулга қиммат ва аҳамиятсиздир.

Ўйлаб кўр – сен менинг жаҳлимни чиқармоқчи бўлдинг. Агар юзимга тупурганинг учун ғазабга тўлсан, сени фақат ғазаб, яъни ўз нафсимга тобе бўлганим учун ўлдирган бўлардим. Бу ҳол менинг табиатимга ярашмайди. Ҳолбуки, мен фуруримни қондириш учун эмас, Аллоҳ, розилиги учун ғазотга чиққан эдим.

Бинобарин, сени фақат Аллоҳ учун ўлдириним лозим эди. Юзимга тупуришинг сени ўзим, нафсим учун ўлдирмоқ каби тескари бир ҳолга йўл очди. Табиийки, мен бу йўлга оғиб кетмадим ва гуноҳинг Аллоҳ наздида савобга айлантирилиб, сени нурга йўллади. Сендеқ бир гуноҳкорга бундай саодатни улуғ Яратувчи менинг воситамда бермоқда! Эҳ-ҳе, У Зот қулларига воситасиз не-не хушхабарлар йўлламайди, не-не хазиналар бахш этмайди, дейсан! Эй тоза, янги мусулмон, мана мен сенга Аллоҳ таоло хазинасининг эшикларини очдим»

Мавлоно ва «Маснавий» шориҳларининг ҳазрат Али тилларидан айтган бу ҳақиқатлари инсон фарзандлари ҳамиша муҳтож бўлган гўзал ўлчовлардир. Афсуски, бу ўта қийматли тамойилга ҳамиша ҳам риоя этмаймиз, этолмаймиз. Кўпчилигимиз шахсий манфаатларимизга диний хассосиятни аралаштириб юборамиз. Ўз манфаатимизни мамлакат ва ҳалқ манфаати каби кўрсатамиз. Бу йўлда ҳам ўзимизни, ҳам атрофимиздагиларни алдаймиз. Аслида энг катта алданиш шудир. Чунки оқибатлари жамиятта таъсир қиласи.

Ахлоқ ва нафс тарбияси ҳамма учун муҳим аҳамият касб этади. Аммо мансабдор, масъул шахслар учун бу янада муҳимроқдир. Чунки пировардида туғила-жак зарар оммага таъсир кўрсатади. Шунинг учун ўзини қутқармай, бошқаларни қутқаришга ҳаракат қилган кимса фойда ўрнига зарар беради. Ўз руҳий-маънавий тарбиясини якунига етказмай, бирорларга йўл кўрсатмоқчи бўлганлар инсонларни адаштирадилар.

Мана бундай дейди Мавлоно ҳазратлари: «**Не баҳт у кимсагаки, ўз айбини кўргай. Ким бироннинг айбини сўйласа, у айбни ўзига олган бўлади.**

Ҳар ким аввало ўз кимчилигини кўрса эди, аҳволини ислоҳ этмоқдан фафлатда қолармиди?!»

* * *

Алишер Навоий айбни айтгувчини ойнага ўхшатадилар:

*Киши айбинг деса, дам урмагилким, ул эрур кўзгу,
Чу кўзгу тиҳра бўлди, ўзга айбинг зоҳир айларму?*

Ўн тўртинчи дарс

ГЎЗАЛЛИК ВА ХУНУКЛИК

Бир подшоҳ иккита қул сотиб олди. Қуллардан бири чиройли, покиза, тишлари дурдек, нафаси гулдек мұаттар, иккинчиси эса бадбашара, тишлари чириган, оғзи бадбўй эди.

Подшоҳ, гўзал юзли қулга эҳсонлар қилди, сўнгра ҳаммомга юборди. Тишлари чириган, бадбўй оғизли қулни ёнига чақирди.

— Сен менга маъқул бўлдинг, аммо негадир шеринг сен ҳақингда жуда ёмон гаплар айтди, — дея ҳаммомга кетган шеригининг ёмон хислатлари ҳақида сўради. Бироқ қул ўртоғининг устига гард юқтирмади. Аксинча, уни мақтай кетди:

— У доим тўғрисўз. Мен унингдек яхши одамни кўрмадим. Мендаги баъзи айб-нуқсанларни кўрган бўлиши мумкин, бироқ мен бундан бехабарман. Ҳамма аввал ўз қусурларини кўрса, уларни тузатишга ҳаракат қиласди. Масалан, мен ўз юзимни ва юзимдаги кирни кўролмайман, бирорвнинг юзини эса кўраман.

Бу гапларга қарамай, подшоҳ қулнинг ҳоли-жонига қўймади:

— У сенинг кўп айбларингни айтиб берди. Сен ҳам унинг камчиликларини айтгинки, сенга бўлган ишончим ортсин!

Бироқ хунук юзли қул шериги ҳақида фақат яхши гаплар сўйлади. Подшоҳ, қанчалар уринмасин, унинг оғзидан шериги ҳақида асло ёмон гап чиқмади.

Ниҳоят, иккинчи қул ҳаммомдан келди. Подшоҳ уни ҳам синаш учун ҳузурига чақирди, уни алқай кетди:

— Қушдай енгил бўл, нақадар зариф ва латиф бўлибсан. Кошки, нариги қул санаган ёмон феълларинг бўлмаса эди

Бу гапларни эшитган қулнинг жаҳли чиқиб, ғазабланди ва шеригини ёмонлай бошлади...

Бироздан сўнг подшоҳ уни гапиришдан тўхтатди ва деди:

— Бас, етар, иккингизнинг ҳам аслингизни билиб олдим — унинг оғзи бадбўй, сенинг эса ичинг сасиб кетган. Бундан буён сен у тўғри сўзли ва гўзал ахлоқли қулнинг амридасан. Қани, жўнаб қол энди.

Мавлоно воқеа сўнгтида қуйидаги ҳикматли сўзларни тақдим этади: «Гўзал ва чиройли юз ёмон феъл билан бирга бўлса, қалб бир чақага ҳам арзимайди.

Кўзанинг шакли билан қачонгача чалғиб юрасан? Кўзанинг ташқи кўринишидан воз кеч, дарёга, сувга томон юр.

Шаклни кўрдинг, аммо маънодан ғофилсан. Ақли расо бўлсанг, садафдан бир дур танлаб олиб чиқ» («Маснавий», 2-жилд, 843 – 1015-байтлар).

Шарҳ:

Ҳикоямиз ташқи кўриниш ва юз гўзаллигидан кўра ахлоқ гўзаллигига аҳамият бермоқ, хусусида. Кези келгани учун шарҳимизда қуйидаги ҳадиси шариф маъносини яна бир бор келтирамиз: «Аллоҳ, сизнинг ташқи кўринишингизга қарамайди, фақат қалбларингизга ва ниятларингизга қарайди».

«Маснавий» шориҳлари гўзаллик юзда эмас, ўзда, ўзлиқда бўлмоғи лозимлигини айтишади. Бу ҳикояга доир турли шарҳларни келтиришади.

«Маснавий»да ушбу воқеанинг давомида қуйидаги байт келади: «Бир ҳадисда шундай дейилади: «Риё билан (хўжакўрсинга) қилинган дуо ва тасбек ташландиқ жойда кўкарган майсага ўхшайди» (1018-байт). Шориҳлар бу ўринда қуйидаги ҳадис кўзда тутилаёттанини таъкидлашади: «Супрундиликда, ахлатхоналарда кўкарган яшилликдан (майсадан, ўсимлиқдан – А.Т.) эҳтиёт бўлинг». Ушбу ҳадисда айтилмоқчики, юзи гўзал, бироқ ахлоқи норасо аёллардан узоқ юринг, улардан эҳтиёт бўлинг. Ёки уйланаёттганда бадхулқ, яшаш тарзи маънан паст оиласдан қиз олманг, дейилмоқчи. Бундай оиласларнинг чиройли қизлари ва аёллари нопок жойларда кўкарган ўсимликка ўхшайди.

* * *

Шориҳлар бундай фикрни ҳам илгари суришади: «Маснавий» байтида ўтган «тасбек» Аллоҳни ёдга олиш, Унинг улуғлигини ифодалаш маъносидадир ва чиройли ҳаракатдир. Бироқ бу риё билан қилинса, ахлатхонадаги ўсимликка ўхшайди.

Масалан, бир ишчи ё хизматкорни олайлик: вазифасини диққат-эътибор билан, рисоладагидек адо этди, олаётган ҳақини ҳалоллаб олиш учун интилади. Бу орада намозга ҳам бепарво эмас, вақтида тезда ўқиб, яна ишни давом эттиради. Яна бири борки, риёкордир, ҳамма уни диндор деб ўйлайди. Аммо таҳорати, намозини хўжакўрсинга қиласди, инсонларнинг елкасидан ошиб ўтиб, олдинги сафга интилади. Биринчи кимсанинг қуллиги Аллоҳ, наздида янада мақбулдир.

Ёмон феъл-автор билан бирга бўлган чиройли юз мақбул эмас. Ҳамма гўзал сиймога қарашдан хушланади. Аммо юзнинг гўзаллиги ўзнинг (ботин, ичкарининг – А.Т.) хунуклигини яшира олмайди. У хунук-

лик аён бўлгач, аввалги завқ-шавқ нафратга айланади.

Асҳобдан Жарир ибн Абдуллоҳ ўта хушбичим зот эдилар. Шу сабаб у кишини бу умматнинг Юсуфи, дейишарди. Ўзлари шундай ривоят қила-дилар: «Жаноб Пайғамбаримиз алайҳиссалом менга шундай марҳамат қилдилар: «Эй Жарир, сен Аллоҳ гўзал қилиб яратган бир кимсасан. Энди сен ахлоқингни гўзаллаштириш».

Мавлоно Румий эслатади: «**Билки, зоҳирдаги сурат йўқ, бўлар, фақат маъно олами абадий қолар**».

Ҳа, жозибаси билан кўнгилларни ром этган юз гўзаллиги бардавом эмас. Касал бўлади, заифлашади, кексалиқдан буқчаяди, буришади, тери касаллигига чалиниб, кўримсиз ҳолга келиши мумкин.

Тоҳири Мавлавий накл қиласиди, ёшлигиде чиройли бўлганини гапириб юрадиган битта одам бор эди. Ҳамма жойда ўтмишидаги ҳолидан оғиз кўпиртириб гапиравади. Бир кун яна бир йифинда эски гўзаллигидан баҳс этди ва: «Жоме йиқилса-да, мероб жойида», деди. Иттифоқо, у ердаги бир зот ўзини тўхтатолмади: «Астағифируллоҳ, меҳроб эмас, сўнгти жамоат ўрни ҳам хароб бўлибди-ку».

Бироқ ахлоқ гўзаллиги ана шундай хароб ва туроб бўлмайди. У маънавий гўзаллик ўз эгасини доимо севинтиради, севдиради.

Асҳобдан Зоҳир ибн Ҳарамнинг юзи чиройли эмасди. Аммо гўзал ахлоқи туфайли Пайғамбаримиз алайҳиссалом томонларидан кўп илтифот кўрган эди.

Ўн бешинчи дарс

ЧҮПОН ВА ҲАЗРАТ МУСО

Ҳазрат Мусо йўлда бир чўпонга дуч келдилар. Чўпон майин, хийла баланд овозда бундай деб гапиради: «Эй карам соҳиби Роббим! Қаердасан? Сенга қул ҳам қурбон бўлай! Чорифингни тикай, сочингни тарай, кийимингни ювай... Эй буюк Раббим, Сенга янги сут тортиқ қиласай. Ҳамма эчкиларим Сенга қурбон бўлсин!»

Ҳазрат Мусо сўрадилар:

- Ким билан гаплашяпсан?
- Еру кўкни яратган Аллоҳ билан! — деб жавоб берди чўпон.

Мусо алайҳиссалом чўпонга танбеҳ бердилар:

- Бу қилганларинг нотўғри! Ахир Аллоҳ инсон эмас-ку, У билан бундай тарзда гаплашсанг!..

Чўпоннинг кўзига дунё қоронғу бўлиб кетди. Нима қиларини билмай, бошини олиб чўлларга томон югуриб кетди.

Иттифоқо, бир пасдан сўнг ҳазрат Мусога Аллоҳ таолодан шундай хитоб келди: «Эй Мусо, сенинг ва-зифанг инсонларни Биздан узоқлаштиришми ёки Бизга яқинлаштиришми? Нега у соф бандамизни Биздан айирдинг? Биз сўзга, тилга боқмаймиз, кўнгилга ва ҳолга қараймиз»

Ҳазрат Мусо чўлга равона бўлиб, чўпонни тоцдилар ва унга хушхабарни етказдилар. Хоҳлаганича Раббига хитоб қилиши мумкинлигини маълум қилдилар («Маснавий», 2-жилд, 1720-байт).

Шарҳ:

Мусулмонликда Аллоҳнинг борлиғи ҳақидаги саволга фарқли ифодалар билан жавоб берилади: Аллоҳ,

ҳар недан улуг, узоқларда, етиб бўлмас борлиқми? Ёхуд ёнимизда, яқинимиздами? Қуръони каримда бу ҳар икки қарашга оид оялар бўр. Биринчи қарашга танзихий, иккинчи қарашга ташбиҳий қараш дейилади. Танзихчи қарашга кўра, Аллоҳ мутаол бир борликдир. Макондан мунаzzахдир. У ақдимизга келадиган ҳар недан бошқадир. Қуидаги оялар бу қарашни қўллаб-қувватлайди: «Бирон нарса У Зотга ўхшаш эмасдир» (Шўро сураси, 11-оят); «Ва ҳеч ким У Зотта тенг эмасдир» (Ихлос сураси, 4-оят).

«Аллоҳ бирдир. Унинг бирлиги сон жиҳатидан эмас, балки шериги йўқлиги, туғилмагани, туғмагани, тенги йўқлиги, маҳлуқларидан бирор нарсага ўхшамаслиги ва Унга маҳлуқларидан бирор нарсанинг ўхшамаслиги жиҳатидандир» (Имоми Аъзам, Асарлар, Тошкент, «Мовароуннаҳр», 2003, 78-бет).

Ташбиҳий қараш эса Аллоҳнинг бизга яқин, ошнолигини илгари суради. Ҳадид сурасининг 40-оятида: «Сизлар қаерда бўлсангизлар, У сизлар билан биргадир», дея марҳамат қилинади. «(Эй Муҳаммад алайҳиссалом), бандаларим сиздан Мен ҳақимда сўрасалар, Мен (уларга) яқинман», дейилади Бақара сурасининг 186-оятида. Аллоҳ инсонга «шоҳ (бўйин) томиридан ҳам яқин» (Қоф сураси, 16-оят) экани ифода этилади. Яна бир оятда айтилади: «Қаерга юзлансангиз, Аллоҳ ўша тарафладир» (Бақара сураси, 115-оят).

Кўнгил одамлари қўпроқ иккинчи қарашга яқин бўлганлардир. Улар нафас олаётганлари ҳавода, ҳидлаётган гулларда, ичида кезиб юрганлари табиатда ҳамиша Аллоҳнинг тажаллийсини – беназир санъати, қудрати, азаматини кўрганлар. Бу Аллоҳ билан яна-да яқинликни, самимийликни юзага келтиради. Уни доимо ёнида, қалбида ҳис этишни таъминлайди.

Масалан, Юнус Эмро ва у каби ўйлаганлар бундай түйгулар билан тўлиб-тошади. Натижада самимий ҳаяжонларини қўйидагича ифодалайди:

*Тоғлар ила, тошлар ила
Чақирайин, Мавлом, Сени.
Саҳарларда қушлар ила
Чақирайин, Мавлом, Сени.*

*Сув остига моҳи ила,
Саҳроларда оху ила,
Сархуш бўлиб, «ЁҲ Ҳу» ила,
Чақирайин, Мавлом, Сени.*

*Кўк юзида Исо ила,
Тур тоғига Мусо ила,
Қўлимдаги асо ила,
Чақирайин, Мавлом, Сени.*

*Кўп сабрли Аййуб ила,
Кўзи гирён Ёқуб ила,
Ул Муҳаммағ маҳбуб ила,
Чақирайин, Мавлом, Сени.*

*Англадим дунё ҳолини,
Тарқ этдим қийлу қолини,
Бош очиқ, оқу олинни,
Чақирайин, Мавлом, Сени.*

*Юнус ўқир тиллар ила,
Ул қумри, булбуллар ила,
Ҳаққа ошиқ қуллар ила,
Чақирайин, Мавлом, Сени.*

Алишер Навоий ҳазратларининг:

«Ашрақат мин акси шамсил каъси анворул ҳудо,
Ёр аксин майдага кўр, деб жомдин чиқди саго»

мисралари, Бобораҳим Машрабнинг:

«Мен нола қиласай шому саҳар, дод, эшигингда,
Жонимни берай, шўхи паризод, эшигингда»

мисралари ана шу қарааш таъсирининг бадиий ифодаси бўлса, ажаб эмас.

Бундай тафаккур тарзи айни пайтда Аллоҳга бўлган ҳурмат-эҳтиромни тақозо этади. Чунки У улуғdir, буюқdir.

Бундай тафаккур соҳибининг ахлоқий гўзаллиги юксак даражада бўлади. Ҳар жойда ва ҳар нарсада Аллоҳнинг бир асарини, бир тажаллийсини кўрган инсон Аллоҳга бўлган севги ва эҳтироми туфайли борлиққа ҳам севги ва шафқат билан яқинлашади. Айни пайтда одобли ва ахлоқли муносабатда бўлади. Баъзи буюқ зотларнинг оёқларини бемалол узатиб, бамайлихотир ўтиришдан эҳтиёт бўлганлари ҳикоя қилинади. Бир уйга кечқурун меҳмон бўлиб келган киши қаттиқ чарчаганига қарамай, эрталабгача ухламай тонг орттиради. Маълум бўлишича, меҳмон учун тўшак солинган хона деворида латтага ўралган, деворга осигуриқ Қуръон бор экан. Бундай зотлар Аллоҳ ҳузурида тургандай ҳис этадилар ўзларини.

Бу ҳолатлар эътиборга, эътирофга ва эъзозга лойикдир.

* * *

Бундан ташқари, жўшқин, тошқин руҳоний ҳолат эгалари ҳам бор. Улар баъзан зоҳирий ўлчов-қоидалардан ташқари чиқадилар. Аммо ичларида (ботинларида)ги сўнгсиз ишқ-муҳаббат сабабли уларнинг майдагу сур-нуқсонларига эътибор берилмайди. Чунончи,

бизнинг жамиятимизда оддий мажзубларга нисбатан ҳам ҳурмат кўрсатилади. Уларнинг кўнглини хуш этиш талаб қилинади.

Ҳикоядаги чўпон қаби қалби Аллоҳ муҳаббатига тўлиб-тошганлар ўз жазбалари билан Мажнунни эслатадилар. Хароба бир қишлоқдан солиқ олинмагани қаби Ҳақ мажзубининг ҳам диний қоидаларга тўлаттўқис, қаттиқ эргашиши кутилмайди. Улар хато гапириб қўйишса ҳам, дарров маломат қилмай, бағрикенглигу мулоҳимлик билан муносабатда бўлиш тузукроқ. Шаҳиднинг жасади қонли бўлса-да, ювилмайди. Инчунун, ҳикоядаги чўпоннинг жузъий янгилиши юзлаб тўғридан авлодир. Каъба ичида қиблага юзлаши ҳақида гап бўлиши мумкинми?

Дин инсон учундир. Инсоннинг ҳам ақли, ҳам руҳи ва туйгулари бор. Диннинг ҳам ташқи, зоҳирий бир неча ҳукм ва қоидалари, шунингдек, ички томони, ботини, важд ва завқ-шавқ жиҳати мавжуд. Булардан зоҳирий қисмига қисқача «шариат» дейилади. Бу маъноси билан шариат асосан ақлга хитоб қиласди: унинг белгиланган чегаралари, қоидалари бор. Ақлий ўлчовлар доирасида ҳаракат қилинса, муаммо чиқмайди. Фақат руҳий жиҳат ва туйгулар баҳс мавзуси бўлганида ҳолат ўзгаради. Ҳақиқат дейилувчи бу интиҳочилар кўпроқ диннинг ботиний ва завқ томони билан шуғулланадилар.

Инсонда ақлий жиҳат нақадар ўлчовли ва қоидали бўлса, руҳий ва маънавий томон ҳам шунчалар жўшқиндир. У бепоён уфқлар сари қанот очиб учишни истайди.

«Учмоққа қанотим йўқ ва лек учгайман», дейди Жалолиддин Румий.

Энг муҳими – бу икки томон ўртасида имкони борича мувозанатни сақлашга ҳаракат қилиш лозим.

Үн олтинчи дарс

ҚАРИЯНИНГ ШИКОЯТИ

Қари бир одам докторга келиб шикоятларини санай бошлади:

- Дүхтири, иштаҳам йўқ, ақлим ҳам жойида эмас.
- Ақл заифлиги, хотира пастлиги қариликдан, — деди доктор.

Ораларидаги сухбат шундай давом этди:

- Кўз олдим қоронгулашади.
- Қарилик аломати бу.
- Елкам зирқираб оғрийди.
- Воҳ бечорагина, бу қариликдан.
- Нима есам, ботмайди, ҳазм қилолмаяпман.
- Меъда зафлиги ҳам қариликдан.
- Нафас олишга қийналиб кетаман, нафасим қисилади.
- Нафас қисилиши ҳам қарилик асариdir. Қаригач, инсонда юз хил дард бошланади.

Ниҳоят, қария чидай олмай бақира кетди:

- Ҳой барака топгур, Аллоҳ ҳар дарднинг бир дармони-ю, нега тўтиқушга ўхшаб ҳадеб бир нарсани такрорлайверасан?! Сенинг эс-хушинг жойидами ўзи?! Қаерданам йўлиқдим-а сенга?!

Доктор яна кулиб жавоб берди:

- Эй ёши олтмиш, иши битмиш дўстим, бу қаҳрғазаб ҳам қариликдандир («Маснавий», 2-жилд, 3088 – 3099-байтлар).

Шарҳ:

Ҳикоянинг давомида ҳазрат Мавлоно бундай дейдилар: «Кексайгач, инсон вужудининг ҳамма парчалари заифлашади, мўртлашади. Сабр ҳам камаяди. Қари одам икки оғиз сўзга ҳам тахаммул этолмайди, бақириб чақиради. Баъзан бир қултум сувни ҳам ютолмайди, қусиб юборади.

Бироқ Ҳақ сархуши (Ҳаққа сармасст – А.Т.) бўлган қария бундан мустасно. Унинг покиза бир ҳаёт тарзи бор. Зоҳиран қаридир, аммо ҳақиқатда боладир. Набий ва валийлар шундайдирлар. Кўринища заифдек бўлсалар ҳам, руҳан ва маънан кучлидирлар».

*Ўзгайдир ул пирким, ҳақ бирла маст,
Кўнгли ичра бир ҳаёт бор, айнимас.*

* * *

Аҳмад Яссавий олтмиш ёшни таърифлаб шундай дейдилар:

*Кўзим юмиб то очгунча етди олтмиш,
Белим боғлаб мен қилмадим бир яхши иш,
Кеча-кундуз бегам юрдим ҳам ёзу қиши,
Биру борим, дийгорингни кўрарманму?*

Бу ҳикоя баҳонасида ўзбек халқининг қариллик билан боғлиқ мақолларини келтиришни мақсадга мувофиқ деб билдик. Зоро, уларда қарилкнинг нозик жиҳатлари чиройли услубда ўз ифодасини топган.

* * *

Қариллик – хасталик.

* * *

Қарши келса қариллик,
Қора норни чўқтирас.

* * *

Эр қариса, эрки кетар,
Хотин қариса, кўрки.

* * *

Қариганда қилга қоқиласан.

* * *

От қариса, эшак билан дўстлашади,
Одам қариса, тўшак билан.

* * *

Қарилик – болалик.

* * *

Йигитлик елиб ўтар, қарилик чопиб.

* * *

Ёш кетаман, деб қўрқитар,
Қари ўламан, деб.

* * *

Кампир ўламан, деб қўрқитар,
Келин кетаман, деб.

* * *

Саксон – ер билан яксон.

* * *

Қари билганини пари билмас.

Асосий масала қариликни қандай қарши олишда.
Қаҳр-ғазаб, жаҳл ва исён билан қаршиласак, янада
кўп зарар қўрамиз. Табиий қабул қилиб, шунга кўра
чора-тадбир кўрсак, янада саодатли бўламиз.

Унутмаслик керакки, ҳар ёшнинг завқ олинадиган
жиҳатлари бор. Қариган кимсанинг баъзи заифлик-
лари кўринса-да, айрим томондан кучаяди. Хусусан,

билим-тажрибаси, тўғри қарор бериш қобилияти ортади. Дўст-ёри, фарзандлари, неваралари ва сев-ганлари билан баҳтиёр кунларни ўтказаётган қанчадан-қанча кишилар бор.

Ҳа, қариш табиийдир. Бироқ унинг ҳам ўзгача гашти бор. Баданимиз бизга омонатдир. Уни яхши асраш вазифамиздир. Бугун тиббиёт ривожланган. Безовталик бошланиши билан дарҳол мутахассисга мурожаат қилиб, вужуддаги бу безовталики бартараф этиш мумкин. Докторнинг тавсияларига диққат билан риоя этиб, вақтида керакли муолажаларни қилдирсак, соғлом бир кексалик даврини яшашимиз мумкин.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом шундай марҳамат қиласидар: «Аллоҳ, берган ҳар дарднинг шифосини ҳам беради» (Бухорий, Тиб, 1). Халқимиз буни «Дардини берган Аллоҳ, дармонини ҳам берарди» тарзида ифода этади.

* * *

Ҳикоямиз сўнгтида кексалиқда маънавият кучининг аҳамиятига эътибор қаратилади. Кўринишидан кучсиз, заиф бўлса-да, руҳан ва маънан кучли бўлишдан баҳс юритилади. Аслида маънавий куч ҳар даврда керакли бўлган хусусиятдир. Аммо ёшлиқ йилларида жисмоний қувват кўплиги сабабли унга бўлган эҳтиёжни сезмаслик ҳам мумкин. Ёш ўтган сайин иймон кучи инсонга энг катта дастақдир. Давомли қасал ёхуд ногирон бўлгани ҳолда юзида табассум, кўнглида умид ва нур камаймаган кимсалар бор. Улар ҳавас қилса, арзийдиган инсонлардир. Атрофларига ҳам фойдали маънавий қувват ёядилар.

Шундай ўйлашимиз мумкин: «Бу бадан менга омонатдир. Ҳозиргача мени ташиди. Бу кунларга олиб келди. Үндан қарздорман. Аммо энди вақти ўтди. Аввалгидек

кучи қолмади. Ниҳоят, бир кун чекинади. Умри по-
ёнига етади. Аммо мен фақат бадандан иборат эмас-
ман. Менинг асл менлигим ва борлигим руҳимдир. У
ўлимсиздир. Ҳақдан келди, яна Ҳаққа кетади.

*Жон бадандан айрилажак,
Тутімас оёқ, ёнмас ўчоқ,
Салом бўлсин қучоқ-қучоқ,
Дўстлар мени хотирласин!*

Бахши Ошиқ Вайсал

Менинг вазифам соғлигимга янада диққат этмоқ-
дир. Руҳим баданимдан айрилгач, Раббига қовушади.
Ўшангага тайёрланиш лозим. Ҳикоядаги қария каби
бўлар-бўлмас ҳамма нарсага ҳам жаҳл қилмаслик ке-
рак. Чарчаганда, сиқилганда Раббимга юкинишим,
Ундан куч-қувват, ёрдам сўрашим керак. У мени ҳар
доим кўриб кузатяпти. Унга лойик хатти-ҳаракат,
муносабатда бўлсан бўлгани».

* * *

Шу ўринда Нақшбандий устозларидан Умар Форук
Сайдо ал-Жазарий ҳазратлари яшаган даргоҳ дево-
ридаги бир ёзувни сиз азизларга ҳам илиндим: «Бу-
гун катта бир дардинг бўлса, Раббингга юзланиб:
«Менинг катта бир дардим бор», демагин, дардингга
юзланиб: «Менинг буюк бир Раббим бор», дегин!»

Улуғ Раббимиз шундай марҳамат қиласи: «Эркакми
ё аёл, кимда-ким мўмин бўлгани ҳолида бирон яхши
амал қиласа, бас, Биз унга покиза ҳаёт ато этурмиз. Ва
уларни ўзлари қилиб ўтган энг чиройли амаллари
сабабли ажр-савоблар билан мукофотлаймиз» (Наҳд
сураси, 97-оят).

Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг бир дуоси ила битирайлик: «Аллоҳим, ожизлиқдан, дангасалиқдан, қўрқоқлиқдан, алжиратиб қўювчи қарилиқдан, ха-сислиқдан Сенинг паноҳингга қочаман» (Муслим, Зикр, 50).

* * *

Алишер Навоий ҳазратларининг мавзуга оид қўйидаги мисралари ҳам «Маснавий»даги ҳикояни янада чуқурроқ англашимизга ёрдам беради:

Қарилик дарди бедармондир охир.

* * *

*Қари кишига, билки, кам эмасдир дард,
Юз сиҳҳати бўлса, қарилик басдур дард.*

* * *

*Қарилик хотири нозикдур, эй тифл,
Шикастидин қилиб ваҳм, ўлма густоҳ,
Унұттунгмуки, атфол ўйнағанда
Синар оз майл кўргандин қуруқ шоҳ.*

(Эй бола, қари кишилар кўнгли нозик бўлади, андишасизлик билан уни синдириб қўйишдан эҳти-ёт бўл. Болалар ўйнаган маҳал қуруқ шоҳнинг қўл тегар-тегмас синишини унудингми?)

Үн еттинчи дарс

ТУЯКАШ ВА ФАЙЛАСУФ

Бир бадавий тусига икки халта юкни ортиб, ўзи ҳам таяга миниб йўлга чиқди. Йўлда уст-боши паришон бир файласуфга дуч келди. Гап орасида файласуф бадавийдан сўради:

- Таянинг устидаги қопларда нима бор?
- Бирида буғдой, иккинчисида қум, — дея жавоб берди бадавий.
- Нега қум тўлдирдинг?
- Иккинчи қоп бўш қолмасин, тая устида мувозатни сақласин, дея шундай қилдим.

Файласуф бадавийга деди:

- Ақлингни ишлатиб буғдойнинг ярмини бир қопга, қолган ярмини иккинчи қопга солсанг бўларди-ку, ҳам таянинг юки енгиллашади, ҳам қопларинг.

Бу фикр бадавийга маъқул бўлди.

- Тўғри айтасан, ҳеч ўйлаб кўрмаган эканман, — деди ва айтганидай қилди.

Иттифоқо, бу даражада ақлли одамнинг ҳолига ҳайрон қолди. «Нима учун бу одам бундай паришон бўлиб юрибдийкан?» дея ўйлади. Ниҳоят, чидолмай сўради:

- Эй ақлли одам, шундай ақдинг, фикринг бўла туриб, нега яёв юрибсан? Бу ақл билан сен ё султонсан, ё вазир. Тўғрисини айт, кимсан?

Файласуф жавоб берди:

- Иккиси ҳам эмасман. Халқ ичидаги бир кимсаман.

Бадавий яна сўради:

- Қанча таянг, қанча ҳўқизинг бор?
- Ҳеч нарсам йўқ.
- Майли, ҳеч бўлмаса, дўконингдаги молнинг миқдорини айтарсан.

— Менинг на дўконим, на уйим, на жойим бор. Мен файласуфман.

— Қанча пулинг борлигини ҳам яширасанми?

— Қанақа пул, нон олишга етгулик сариқ, чақам ҳам йўқ. Ялангоёқ, бош — қовоқ кезиб юраман. Бунчалик ҳикмат ва билимдан фақат хаёл ва бош оғрифни қўлга киритдим.

Менаги бил ҳикмату фазлу ҳунар,

Мен учун ёлғиз хаёлу дардисар.

Бадавийнинг бу жавобдан қаттиқ жаҳли чиқди ва:

— Даф бўл, узоқлаш ёнимдан, — деди. — Сенинг билиминг, насиҳатинг менга ҳам зарар беради, бошимга дард очади, сен шу йўлдан кет, мен бу йўлдан. Бир қопимда буғдой, наригисида қум бўлиши сенинг ҳикматингдан, бўш, бемаъни, бефойда фалсафангдан яхшироқдир.

Мавлоно Румий илова қиласидар: «**Фикр деб шу нарсага айтадиларки, бир йўл очсин. Йўл дея бир ҳақиқатга етганга айтадилар. Султон дея шундай кимсага айтадиларки, ўзлигидан султон бўлсин, хазиналар билан, аскарлар билан эмас**» («Маснавий», 2-жилд, 3176-байт.)

Шарҳ:

Бу ҳикоядаги файласуф фақат назария билан, сўзашар моллиқ билан вақт ўтказадиган, моддий-маънавий соҳада эса ҳеч бир фойдали фикр бермаган, бир болтага соп бўлмаган тоифадаги кимса бўлса керак. Чунончи, ҳазрат Мавлононинг материалист файласуфларга муҳолиф бўлганлари ҳам маълум. Унга кўра, табиатдан ва хаёлдан туғилган, яъни материалист (моддийончи — А.Т.) фалсафа Аллоҳнинг файз ва нуридан йўқсилдир, бебаҳрадир. Моддийончи қараш инсонни эътиқодсизликка ва баҳтсизликка олиб борганидан диний нуқтаи назардан ҳам хуш кўрилмайди.

Фикр-түшунча йиғими, албатта, яхши. Тавҳид ва Аллоҳга иймонни ҳам ўз ичига олса, бунга ҳикмат дейиладики, Қуръони каримда: «Кимга ҳикмат берилған бўлса, бас, унга кўп яхшиликлар берилибди» (Бақара сураси, 269-оят), дейилган.

Ислом дини ҳар турли билимни ташвиқ қиласди. Шу билан бирга ҳикоядаги воқеа эслатганидай, фойдасиз илмдан Аллоҳдан паноҳ сўрашни тавсия этади. Фойдали илм сўрашимизни маълум қиласди. Бу ўриндаги фойда ҳам моддий, ҳам маънавий, ҳам диний, ҳам дунёвий фойдадир. Мавзуга алоқадор ҳадислардан бири қутидагидир: «Эй Роббим, бефойда илмдан, қўрқмайдиган қалдан, тўйишни билмайдиган нафсадан ва қабул бўлмайдиган дуодан паноҳ, беришингни сўрайман» (Муслим, Зикр, 73).

Жалоддин Румийнинг «Фихи моғиҳи» асарида ушбу мавзуга доир бир ҳикоя бор: битта подшоҳ, ўғлини сирли илмлар билан шуғулланадиган бир қавмга бера-ди. Мақсади унинг астрология, рамл каби илмларни ўрганиб, фойибдан хабар бериш, келажакни тахмин этиш каби соҳаларда камол топишини таъминлаш эди. Бола яратилишидан ўта аҳмоқ бўлишига қарамай, тажрибали устозлар уни яхши етиштирадилар ва керакли билимларни ортиғи билан ўргатадилар.

Пировардида бола у соҳада батамом устоз бўлиб отасининг ёнига қайтади. Бир куни подшоҳ, ўғлини имтиҳон қилиш учун қўлига бир узукни яширади ва:

— Қани, айт-чи, қўлимда нима бор? — деб сўрайди.

Бола ўйланади, ўрганганди билимларига таяниб:

— Ҳовучингизда думалоқ, ўртаси тешик, сариқ нарса бор, — дейди.

Подшоҳ севинади:

— Белгиларни тўғри айтдинг, энди нима эканини айтгин.

Бола:

— Ҳовучингиздаги ғалвир бўлиши керак, — деганида подшоҳ нийҳоятда хафа бўлади ва ўзини тиёлмай:

— Ақлни лол қолдирадиган бу қадар хусусиятни билим ва таҳсил ёрдамида айтдинг, бироқ ғалвирнинг ҳовучга сифмаслигига қандай ақдинг етмади-я, болам?! — деди.

(Раҳматли аммам Омонгул Тилавова: «Худо эс-ақл бермаса, қўйма ақлни қандай берсин?!» иборасини бот-бот айттардилар — А.Т.)

Мавлоно яна қўйидагиларни илова қиласидилар: «Замонамизыва бу каби олимлар ҳам қилни қирқ ёрадилар. Ўзларига алоқадор бўлмаган нарсаларни жуда яхши биладилар. Бироқ муҳимини ва уларга энг яқини, яъни ўзларини билмайдилар»

«Ўзни билган Раббини билур» ифодаси кенг қўлланилади. Дарҳақиқат, шундай: моддий ва маънавий жиҳати билан ИНСОН дейилувчи борлиқ ўта мукаммал яратилган. Фақат баданимизнинг ўзини биологик ва анатомик нуқтаи назардан кўздан кечирадиган бўлсак, буюк нозиклик, инжалик ва ҳайратомуз тузилишга эга эканимиз маълум бўлади. Бу хусусият ишонгган илм кишисининг иймонини янада орттиради.

Айни тарзда руҳий-маънавий ва психолого-жихатимиз ҳам айрича ва янада теран бир оламдир. Бу борада инсоннинг билими ва тафаккури қанчалар ортса, Яратувчига бўлган ҳайрат, иймони шунчалар кўпаяди.

* * *

Ўзини билиш — ўзликни билиш, яратилиш фояси-ни билиш, эл-юртга хизмат қилишнинг дебочасидир:
*Эл нетиб топгай мениким,
Мен ўзимни топмасам?..*

Алишер Навоий

Ўн саккизинчи дарс

БИР-БИРИНИ ТУШУНМАГАН ТҮРТ КИШИНИНГ ЖАНЖАЛИ

Бир одам тўрт кишига маълум миқдорда пул берди ва:

— Бунга бирор нарса сотиб олиб, қорнингизни тўйдиринг, — деди. Улар пулни олдилар. Ораларидан бири эронлик эди.

— Мен бу пулга ангур оламан, — деди у. Иккинчи си араб эди.

— Йўқ, — деди у, — мен инаб хоҳлайман, бу пулга инаб оламан, — деди. Учинчилари турк эди.

— Улар айтганлари менга керак эмас. Мен узум олмоқчиман, — деди буниси. Тўртинччи киши римлик эди.

— Бемаъниликини бас қилинг. Мен истафил олмоқчиман, — дея бақирди.

Иттифоқо, аввалига овозлари кўтарилди, кейин бақириб-чақиришди, сўнгра жанжал бошланди

Ниҳоят, ҳаммасининг тилини тушунадиган ақлли бир одам жанжални кўриб, уларни тўхтатди. Ҳар бирини алоҳида-алоҳида эшигиди. Дедики:

— Сизнинг ҳар бирингизнинг сўзингиз жанжал ва айрилиқقا йўл очади. Менга қулоқ солсангиз, жанжал ўрнига келишиб оласиз.

Кейин қўлларидан тутиб бир баққол дўкони олдига олиб борди, уларга узумни кўрсатди. Ҳар биридан айри-айри сўради:

— Сен шуни хоҳлайсанми?

Ҳаммаси ҳам айри-айри «Ҳа!» деб жавоб берди. Шундай қилиб, жанжал ниҳоясига етди (улар аслида бир нарсани хоҳлар эдилар) («Маснавий», 2-жилд, 3681-байт).

Шарҳ:

Вақти-вақти билан ҳикоядагига ўхшаган муаммоларга дуч келамиз. Тил, тушунча ёхуд савия фарқи туфайли инсонлар ўртасида келишмовчиликлар ўртага чиқаётгани сир эмас. Ҳодисаларга ақл-фаросат, теранлик билан юқорироқдан қарааш орқали фарқли ё бир-бирига зид кўринган муаммоларни ечиш мумкин. Бунинг учун аввало билим, юксак маънавият, чуқур тафаккур лозим. Зотан, бу васфдаги инсонлар фарқли истак ва манфаатларни бир нуқтада бирлаштириб, инсонларни ҳамжиҳатлиқда тута оладилар.

«Кўплиқда бирлик» сиридан воқиф бўлганлар ҳам бу ҳамжиҳатликни таъминлаш қобилиятига эгадирлар. Ташқи кўринишга, зоҳирга маҳлиё бўлиб қолганлар эса кўплик ортидаги бирликни сезмайдилар.

Бирови аръар дер, бирови алиф,

Ҳамма кўнгиллар бирдир, аммо ривоятлар мухталиф.

«Маснавий» шарҳларида ушбу ҳикоядан олинадиган ибрат қўйидагича баён этилади: фарқли дин мансублари ҳам аслида шундай. Улар ўз хаёлларига тобе бўлганлари учун ўрталарида жанжал ва тортишув камаймайди. Мана шуларни назарда тутиб Куръони карим қўйидагича буюради: «(Эй Муҳаммад алайҳ-иссалом), айтинг: «Эй аҳли китоб, бизга ҳам, сизга ҳам баб-баробар бўлган бир сўзга келингиз – ёлғиз Аллоҳгагина ибодат қиласайлик, Унга ҳеч нарсани шерик қилмайлик» (Оли-Имрон сураси, 64-оят.)

Ҳикоядаги тўрт киши орасидаги жанжалнинг бир сабаби эса муомала-алоқа нуқсонлигидир. Ҳикоя давомида Румий ҳазратлари бундай дейдилар: «Юз тил билган бир сир соҳиби у ерда бўлса эди, уларни келиштириб қўярди».

Бу тўрт киши орасидаги жанжалнинг олдини олган зот эса комил инсонни тамсил этади. Уларга дейдики: «Сизнинг сўзингиз жанжалга сабаб бўлади. Бироқ менинг айтганларим сизларни бирлаштиради. Шунинг учун сиз жим бўлинг ва мени эшитинг, мен сизнинг тилингиз бўлайин».

Ансордан (мадиналик мусулмонлардан – А.Т.) бир зот жаноб Пайғамбаримиз алайҳиссаломга эргашиб намоз ўқир ва Расули акрам нимани ўқисалар, шуни тақрорлар эди. Шунда қуидаги мазмундаги оят нозил бўлди: «Қачонки, Қуръон қироат қилинса, унга қулоқ тутингиз ва жим турингиз – шояд (Аллоҳ тарафидан) раҳматта сазовор бўлсангизлар» (Аъроф сураси, 204-оят).

* * *

Зеро, тасаввуфдаги асосий қоидалардан бири одобдир. Шогирд устози олдида одобини сақлаши, устозга ҳурмат бажо келтириши лозим. Шайх Умар Форук ал-Жазарий Қуръони каримдаги «Пайғамбар ҳузурида овозингизни унинг овозидан баланд кўтармангки, билмаган ҳолда амалингиз йўққа чиқади» ояти муносабати билан шундай дейдилар: «Буюкларимиз: «Одеби бўлмаган амниятли (ишончли) эмас. Амниятли бўлмаган эса таҳликалидир», дейишган. Яъни, хоинлик, хиёнат қилиши мумкин. Шунинг учун одоб ўта муҳим ва аҳамиятлидир. Солиҳ инсонларга, буюкларимизга, олимларга нисбатан одобли бўлмагандан хайр, марҳамат кутилмайди.

Аллоҳ таоло юқоридаги ояти каримасида саҳобаларга Расулуллоҳ алайҳиссалом ҳузурларида ҳаттокази овозларини қўтармасликни амр этмоқда. Оятдаги инжаликка эътибор беринг-а! Саҳобаи киромлар (Аллоҳ уларнинг ҳаммаларидан рози бўлсин) Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳузурларида ўта одоб ва хурмат билан ўтирадилар. Юриш-туришларига ва гапиришларига ҳамда савол-жавоб одоб қоидаларига ниҳоятда эътибор беришарди. Ҳатто Пайғамбаримиз алайҳиссалом билан гаплашаётганда ҳазрат Умар розияллоҳу анхунинг овозлари аранг эшитиларди.

Ҳа, қалби муттақий инсонгина бундай юксак одоб намунасини кўрсата олади. Одоб мўминнинг кўркидирки, унинг ичига аҳдга вафо, тўғрисўзлик, хиёнатдан хазир, севги-муҳаббат ҳам киради.

Табиийки, энг аввало Раббимизга бўлган одобимизга диққат этмоғимиз керак. Ундан кейин Расулуллоҳ алайҳиссалом, саҳобаи киромлар, олимлар, машойихлар, кексалар ва оила аъзоларига нисбатан одоб-ахлоқ қоидаларига амал этиш келади. Бу борадаги ўлчов-мезонни Ислом дини ўта дақиқлик билан белгилаб берган. Бу қоида ва мезонларга риоясиз кимса муттақий бўлолмайди. Тасаввуф динимизнинг одоб-ахлоқ борасидаги ана шу тавсияларини ҳаётта татбиқ этишга чорлайди. Аллоҳ барчамизга гўзал ахлоқ соҳиби бўлиши ни насиб этсин» («Тасаввуф сирлари», 1-китоб, Тошкент, «Мовароуннаҳр», 2004, 100-бет).

* * *

Шорихлар фикрича, комил инсон Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ворисидир. Бинобарин, у зотнинг ҳузурларида сукут сақлаб эшитмоқ одоб қоидасидир. У тўрт кишига ҳам эшитиш тавсия қилингани бежиз эмас.

* * *

Яна бир нарса диққатта сазовордирки, азалдан ўзгармас бир неча қоидалар бор. Буларни эслатиб турувчи камол аҳли бўлган зотлар ҳам йўқ эмас. Аммо, афсуски, барибир ихтилофлар давом этмоқда. Бунга сабаб ўлароқ шуни кўрсатиш мумкин: ҳақиқат битта бўлгани ҳолда унга турли-туман номлар қўйилган. Фарқли исмлар билан назарда тутилган мақсад ҳам аслида бирдир. Не ҳолки, ифода воситаси бўлган истилоҳ ва таъбирлар у ягона ҳақиқат юзини парда бўлиб тўсмоқда. Жанжалнинг асл сабаби ҳам мана шунда. Инчунун, ўзгармайдиган ҳақиқатни англашга ҳаракат қилиш керак. Комилларнинг, Аллоҳ дўстларининг сўзлари бизга бу борада йўлчи юлдуздир.

Масаланинг моҳиятидан узоқ субъектив ва юзаки билим билан берилган ҳукмлар янгишиди. Баъзи сўзларнинг лафзий маъноларинигина олиб, уларнинг ҳақиқатини ва асл назарда тутилаётган фикрни тушунмаслик, кўролмаслик ҳам доим тортишувларга олиб келади.

Масалан, бир зот дейдики: «Биз шундай бир денгиз ичидамизки, пайғамбарлар бор-йўғи унинг қирғоғига боришган, холос». Зоҳиран қараганда, бу зот ўзини пайғамбарлардан устун қўйиб гапирганга ўхшамоқда. Аммо аслида «Шундай бир гуноҳ дengизи ичидамизки, пайғамбарлар бу дengизнинг ҳатто қирғоғига ҳам яқин йўламаган», демоқчи бўлинган (Кўрсатилган манба, 105-бет).

* * *

Хикоямизда ўз хаёлларига тобе бўлиб, асл ҳақиқатдан бехабар ажам (эронлик), турк, рим ва арабнинг

тортишуви оз қолса, жанжалга айланарди. Ҳолбуки, ҳаммаси узум истаётган эди.

Хулласи калом, лафзий тортишувлар, калима ва ихтилофга боғланиб қолиш ва фийбат билан ҳеч бир мушкул осон бўлмаслиги, муаммо ечилмаслиги мазкур ҳикоядан англашилмоқда.

Үн түққизинчи дарс

ФИЛ БИЛАН БОЛАСИ

Ҳиндистонда ақлли ва донишманд бир зот бор эди. Бир куни у узок юртдан келган оч, яланғоч, афтода-хол кимсаларга дуч келди. Уларга ачиниб насиҳат қилди:

— Билиб турибман, оғир кунларни бошингиздан ўтказибсиз. Очлик асорати юзингиздан кўриниб туриди. Бироқ мени яхшилаб эшитинг. Бундан кейин йўлда сизга фильар учрайди. Уларнинг семиз ва кучсиз болалари ҳам бор. Муҳтоҷ бўлиб фил болалари-ни овлашни хоҳлаб қоласиз. Бу сизга жуда осон ва жозибали кўриниши мумкин. Фақат унутмангки, пис-тирмада оналари уларни кутмоқда. Боласи йўқолса, бир неча чақирим йўл юриб қидиради ва тўхтовсиз инграб йиғлайди. Фильар болаларига қаттиқ боғлан-ган бўлади. Зинҳор фил болаларини овлаб еманг. Очликдан ўлсангиз ҳамки, бу ишни қила кўрманг, чунки қаерга борманг, она фил боласининг ҳиди ор-қали сизни топиб олади.

Донишманд сўзларида яна шундай давом этди:

— Агар бу ўгитимга амал қилсангиз, бошингизни балодан қутқарган бўласиз. Ўт-ўлан, барглар, ёвойи мевалар билан кифояланинг. Яна бир бор эслатаман — зинҳор нафсингизга эргашиб, фил болаларини овлаб еманг.

Йўловчилар йўлларида давом этиб кетар эканлар, егуликлари тугади, чорасиз қолдилар. Очлик борган сайин кучини кўрсатар, чидаш тобора қийинлашарди. Худди шу пайт янги туғилган, семизгина, нозик, иштаҳани қитиқлайдиган фил боласини кўриб қолди-

лар. Оч бўрилар каби унинг атрофини ўраб олдилар. Мақсадлари уни сўйиб ейиш эди. Ораларидан бири шерикларига донишманднинг айтганларини эслатди. Бироқ ҳеч кимнинг қулоғига гап кирмас, очлик гўё уларнинг қулоғини кар, кўзини кўр қилганди.

Шериклари фил боласини сўйгач, кабоб қилиб едилар. Унга ҳам узатиб:

— Кўй бу бўлмағур гапларни. Яххиси, қорнингни тўйдир, қара, нақадар лаззатли гўшт, — дейишиди.

Қанча мажбурлашмасин, бу ақлли киши гўшт емади. Қоринларини фил боласининг гўшти билан роса тўйдирганлар сал ўтмай ётиб чуқур уйқуга толдилар.

Гўшт емаган одам эса очликдан ухлай олмади, айлануб юрди.

Орадан анча вақт ўтгач, важкоҳатли она фил келиб қолди. Аввал уйғоқ, кўрқувдан титраётган, ажал терига ботган одамнинг ёнига келиб, оғзини уч марта ҳидлади. Боласининг ҳидини ололмади. Унинг атрофини бир неча бор айлангач, унга тегинмай кетди.

Кейин ухлаганларнинг ёнига бориб, оғизларини ҳидлади. Кимдан гўшт ҳиди келса, уни осмонга кўтариб, ерга зарб билан уриб парчалади («Маснавий», 3-жилд, 69-байт).

Шарҳ:

Бу ҳикояга Жалолиддин Румийнинг ўзлари бир неча шарҳ келтирганлар. Мана эшитинг: фил боласини ейишни фийбат қилишга, яъни бировга қарши унинг орқасидан гапиришга ўхшаттганлар. Ҳужурот сурасининг 12-оятида фийбат қилиш ўлган биродарининг гўштини ейишга ўхшатилган. Яъни, инсонларни фийбатдан ва миш-мишдан қайтариш учун шундай мисол келтирилади.

«Маснавий»даги шундан кейинги байтда «Фийбатдан сақланинг, чунки сизнинг оғизларингизни ҳидловчи (сизни кўриб-кузатиб турувчи – А.Т.) Аллоҳ бор», дейилади. Яъни, яширин-ошкор ҳар нени билувчи буюк Аллоҳ албатта миши-миши, гап ташиш, фийбат каби ёмон хатти-ҳаракатларни ҳам билади ва бунинг жавобини беради, дейилмоқчи.

Охират оламида бу дунёдаги каби ичини, ичидагини яшириш мумкин эмас. Бу ерда фийбат қилган кимса у оламда оғзини алмаштириб, тўғрилаши мумкин эмас. У ерда қилмишлари билан ёлғиз қолади: «Шакшубҳасиз, (Аллоҳ) уни (инсонни) сирлар фош қилинадиган (қиёмат) кунида қайта тирилтиришга қодирдир. Бас, (у кунда инсон) учун (Аллоҳнинг азобини қайтаргувчи) бирон куч ҳам, бирон ёрдамчи ҳам бўймас!» (Ториқ сураси, 8–9-оятлар.)

* * *

Иккинчидан Мавлоно Жалолиддин Румий пора ҳақида фикр юритади. Фил боласини ейишни жамиятнинг энг оғир дардларидан бўлган пора олишга ўхшатади. Бундай дейди: «Эй пора егувчи, фил боласини емоқдасан! Сенга душман бўлган фил илдизинг билан қўпориб ташлайди, сени маҳф этади!»

«Мол аччиғи – жон аччиғи», «Мол жигардан бунёд бўлади», дейди ўзбек халқи. Румийга кўра, халқнинг моли уларнинг қони кабидир. «Эй порахўр кимса, сен уларнинг молини ейиш билан қонларини тўккан ва фил боласини еганлар қаторига кирмоқдасан. Ваҳоланки, Аллоҳ бандаларини шундай ташлаб қўймайди»

* * *

Ҳикоянинг давомида учинчи бир ўхшатиш қўлланилади. Энди ҳид деталига ургу берилади. Она фил

офиз ҳидларидан ёмон инсонларни таниди. Румий дейдики: «Кибр, ҳирс ва шаҳват ҳиди пиёз, саримсоқ еган инсоннинг оғзидан келаётган ҳидга ўхшайди. Саримсоқ, пиёз еган бир киши ҳар қанча: «Мен уларни емаганман», дея қасам ичса-да, гапираётганида ёнидагилар унинг ҳидини сезишади. Бинобарин, кибрли ва ҳаддан зиёд эҳтиросли бири ҳам тили билан: «Менда бу ёмон хислатлар йўқ», деса ҳам, ҳоли ва хатти-ҳаракатлари унинг аслини кўрсатиб туради.

Ёмон феъл-авторнинг маънавий ҳиди сабабидан ҳам дуолар рад этилади, қабул бўлмайди. Дуо Аллоҳдан сўров, истак-талабдир. Дуо асносида нақадар чиройли, жимжимадор лофлар айтилса-да, сўзлаётганинг ичи ва қалби тўғри бўлмаса, ёмон феъл-автори, ахлоқи туфайли у дуо қабул бўлмайди. Бир оятда: «Улар тилларида дилларида бўлмаган нарсани – ёлғонни айтурлар» (Фатҳ сураси, 11-оят), дея марҳамат қилинади.

* * *

«Маснавий» шориҳлари тўртинчи ўхшатишни тақдим этадилар: фил орқали Аллоҳ дўсти, ирфон соҳиби бўлган улуғ инсонлар назарда тутилмоқда. Фил болаларидан мурод уларни севган ва йўлларидан юрмоқчи бўлган софдил кимсалардир. Буларни ёқтиргмаган фийбатини қилувчilar маъсум фил болаларини емоқчи бўлган кабидирлар.

Алишер Навоий ҳазратлари эса фийбатчilarни сифатлаб: «**Фийбат дегувчи – нажосат егувчи**», дейдилар.

* * *

Фикри ожизимизча, мазкур ҳикоядаги айтилмоқчи бўлинган асосий фикр бундай: "Комил инсонларнинг ўтитларига сидқидилдан амал қилиш саодатга, бунинг акси эса ҳалокатта етаклагусидир" – А.Т.

Йигирманчи дарс

ФИЛ НИМА?

Ҳиндлар қоронғу бир таблага филни қўйиб, филга қизиққан инсонларга кўрсатмоқчи бўлдилар. Фил нималигини билиш учун у ерга жуда кўп одам тўпланди. Бироқ фил турган жой шунчалар қоронғу эдики, ҳеч нарса кўринмасди. Шунинг учун келганлар қўллари билан филга тегиндилар, филнинг у ёқ-бу ёғини пайпаслаб кўра бошлидилар.

Улардан бири филнинг хартумини ушлаб, сўраганларга: «Фил йўғон бир сув хартумига ўхшайди, у бир хартум», деди.

Филнинг қулоғини ушлаб кўрган кимса: «Фил ел-тиғичга ўхшайди», деди.

Учинчи бир одам филнинг оёқларига тегинган эди. «Фил устунга ўхшар экан», деди у.

Филнинг гавдасини ушлаб кўрган киши: «Фил бир қояга ўхшайди», деди.

Шу тариқа ким филнинг қаерига тегинган бўлса, филни шунга кўра тушунтириди. Ҳар бирининг тушунтиргани бошқа-бошқа эди. Агар қўлларида бир нур – чироқ бўлса эди, бир нарсани кўтар, бир нарсани айтиб берган бўлардилар («Маснавий», З-жилд, 1259-байт).

Шарҳ:

Жалолиддин Румий илова қилади: «Туйғу кўзи бор-йўғи ҳовучга, бор-йўғи кўпикка ўхшайди. Ҳовуч бутун бошли филни бирдан ушлай олмайди-ку!

Денгизни кўрган кўз бошқа, кўпикни кўрган кўз

бошқа. Кўпикни қўйгин-да, дengизнинг кўзи ила қарагин сен!»

Ушбу ҳикоя айрим ўзгаришлар билан айтилади. Масалан, бир вариантда филни таърифлаш учун иштирок этувчилар аъмо, яъни кўзи кўр кишилар эди, дейилади. Бироқ барча вариантларда моҳият айни.

Ҳикоямиз инсонлар тез-тез йўл қўядиган хатони изоҳдамоқда. Бу хато шундан иборатки, аксарият ҳолда етарли билим, маълумотга эга бўлмай, шоша-пиша ҳукм чиқарилади. Ҳаётнинг деярли барча жабҳаларида бу янгиш хатти-ҳаракатнинг мисолларига, оқибатларига дуч келамиз. Воқеа-ҳодисаларга ўз тор дунё-қараши нуқтаи назаридан баҳо бериш, фақат ўзиникини маъқуллаш нотўғридир. Бундайлар филни фақат хартуми ёки қулоги орқали таърифлашга уринган бечора кимсаларнинг аҳволига тушадилар.

«Энг ёмони – нотўғри фикрни ҳимоя қилмоқ, уни яхши кўришдир. Инсон бу касалликка мубтало бўлгаётган ишидан қувонади. У насиҳат берганга умуман қулоқ солмайди, ўз фикрини маъқулламоқ ила ўзгаларга жоҳилона кўз билан қарайди» (Муҳаммад Нуруллоҳ Сайдо ал-Жазарий, «Тасаввуф сирлари», Тошкент, «Мовароуннаҳр», 2000, 23-бет).

* * *

Бу ердан чиқариладиган хulosалардан бири қуидагича: бир масалада тўғри ҳукм бера олиш учун унинг тўла моҳиятини англашга ҳаракат қилишимиз лозим.

Масалан, бир инсон фақат қўл, оёқ, гавдадан иборат эмас. Унинг маънавий томони, яъни руҳий томони ҳам бор, фақат баданга ёки фақат руҳга қарасак, инсонни ноқис таърифлаган бўламиз.

Шу ўринда адабиётшунос олим Нажмиддин Комилловнинг фикрларини келтиришни лозим топдик:

«Шариат фақат зоҳирий расму русум эмас. Шундай деб ўйлаганлар хато қиласидилар. Шариат илми инсон ботини, руҳий оламини ҳам қамраб олади. Шариатнинг зоҳири илми фикҳ, (илми қол) бўлганидек, унинг ботини тасаввуф – илми ҳоддир.

Шариатда илм, амал ва ихлос асосдир. Илм – Аллоҳнинг илми, амал – Аллоҳ, йўлидаги солиҳ, ва эзгу ишлар, ихлос – Аллоҳнинг яккаю ягоналигига иймон келтириш, Унинг розилигини қозонишдир» (Кўрсатилган манба, 3-бет).

Ҳа, диннинг ҳам зоҳирий, ҳам ботиний жиҳатлари борки, бу иккаласини эгаллаган, англаган кишигина динни тўғри қабул қиласиди, алданмайди, йўлдан адашмайди.

Муҳтарам ўқувчилар бу ўринда Пайғамбаримиз алайхиссалом ҳузурларига саҳоба Диҳятгул Калбий қиёфа сида келиб савол-жавоб ўтказган фаришта билан боғлиқ ҳадисни эслашлари фойдадан холи бўлмайди.

Ҳадис сўнгтида иймон, Ислом ва эҳсон (яъни, хайр-эҳсон эмас, Аллоҳни кўриб тургандек Унга ибодат қилишлик ҳолати – А.Т.) дин дея таърифланади.

Кейинги йилларда муҳтарам олимларимизнинг комил ахлоқ, руҳий тарбия борасида куйиниб гапиришлари ҳам бежиз ва беҳикмат эмас. Бу инсонларнинг фақат зоҳирга эмас, ботинга, юксак маърифат, юксак маънавиятга чорлов ҳаракати асл куюнчакликдир.

* * *

Ҳа, филнинг каттакон қулоғи бор, аммо фил қулоқдангина иборат эмас. Унинг каттагина гавдаси, оёқлари ва хартуми ҳам бор.

Масалан, динда севги, шафқат ва марҳамат ўта аҳамиятлидир. Айни пайтда адолат ва ҳақониятта ҳам диққат этмоқ керак. Ҳаддан зиёд севги адолатсиз-

ликка йўл очмаслиги лозим. Сахийлик, қўли очиқлик яхши, аммо бу исрофга йўл қўйсин, дегани эмас. Эпзебли, тежамкорлик мақбул, бироқ буни хасислик чегарасига олиб бормаслик зарур. Биз инсон сифатида ҳаммага яхши, инсонпарварларча муомала қилишга масъулмиз. Аммо кўз кўра-кўра ватанимизга, маданиятимизга, маънавиятимизга душманлик қилаётганга индамай туролмаймиз.

Ўзбек халқи топиб айтгандек, андишанинг отини қўрқоқ, демаслик керак.

Тавозеълик, камтаринлик мусулмоннинг сифатларидандир. Бу унинг шахсияти йўқ, дегани эмас. Зеро, виқор ва иззат ҳам яхши мусулмоннинг васфиdir. Мана шулар орасидаги мувозанатни сақлай олганлар филни бутунича кўра олганлардир.

Жалолиддин Румий ҳазратлари ҳикоя сўнггида дентиз ва кўпик мисолини беради. «Денгизни кўрган кўз бошқа, кўпикни кўрган кўз бошқа», дейди. Тасаввуф тушунчасида бу рамз кўп кўлланилади. Аллоҳнинг зотига нисбатан коинот дентизга нисбатан тўлқин ва кўпик даражасидадир. Асл бўлган дентиздир. Тўлқин ва кўпик Унинг бир тазоҳури ва тажаллийсиdir. Денгиз кўпириб тошганда тўлқин ва кўпикларнинг қаршиисида туриб бўлмайди, аммо улар алоҳида бир борлиққа эга эмаслар, бор-йўғи дентизнинг бир кўринишидан иборатдирлар, холос. Дентиз бўлмаса, тўлқин ва кўпикнинг бўлиши асло мумкин эмас. Шунинг учун ҳам аслга — дентизга қарамоқ ва унга эътибор қилмоқ лозим. Ашёга, коинотта, минг бир ҳодисотга қараганда уларга боғланиб, маҳлиё бўлиб қолмаслик керак. Улар бизни ошиқча чалғитмаслиги лозим. Биз асл соҳибни, ҳақиқий борлиқни кўрмогимиз керак.

НАВБАТДАГИ ИККИНЧИ КИТОБНИНГ ДАРС (ҲИКОЯ) МАВЗУЛАРИ:

21. Ўлган ўғил
22. Кўр, кар ва яланғоч
23. Ҳаддидан ошишнинг зарари (ёхуд ҳайвонларнинг тилини тушуниш керакми?)
24. Ўтинчилик қилган дарвеш
25. Иброҳим Адҳам ҳикояси
26. Уч балиқнинг ҳикояси
27. Тузоққа тушган қушнинг ўгити
28. Олмурут дараҳтидан Жаннат дараҳтига
29. Аёзнинг сири
30. Аёзнинг фаросати
31. Носуҳнинг тавбаси
32. Аллоҳнинг қули ва Аллоҳнинг қалтаги
33. Овози хунук муаззин
34. Қуш овлаган одам
35. Аҳли байтга мотам тутиш
36. Билол Ҳабаш
37. Сабрнинг мукофоти
38. Султон Маҳмуд ва ўғрилар
39. Отнинг қусури
40. Мисрдаги хазина

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Mesnevi Hikayelerinden Dersler. 40 Hikaye 40 Yorum. Prof. Dr. Mehmet Demirci. Istanbul, 2009. Vefa yayinlari.
2. Жалолиддин Румий. «Маснавий маънавий». Форсийдан Жамол Камол таржимаси. Тошкент, «Фан» нашриёти, 2005.
3. Жалолиддин Румий. «Маънавий маснавий». Куллиёт. Таржима шарҳи билан. Таржимон ва шарҳ муаллифи Асқар Маҳкам. Тошкент, "Янги аср авлоди", 2007.
4. Карим Замоний. Маснавий маънавий. Шарҳ. Қўлёзма. Нашрга тайёрланмоқда.
5. «Маснавийдан ҳикоялар», Тошкент. «Муҳаррир» нашриёти, 2007.
6. Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. Тошкент, «Фан», 1992. 9-том.
7. Алишер Навоий. Ҳикматлар. «Шарқ» нашриёт-матбаа компанияси бош таҳририяти. Тошкент, 2006.
8. Ислом тасаввуфи манбалари. Илмий мажмуа. Тузувчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи филология фанлари доктори, профессор Ҳамидулла Болтабоев. «Ўқитувчи» нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент, 2005.
9. Муҳаммад Нуруллоҳ Сайдо ал-Жазарий. Тасаввуф сирлари. Сўзбоши муаллифи ва масъул муҳаррир филология фанлари доктори, профессор Нажмидин Комилов. Тошкент, «Мовароуннаҳр», 2000.
10. Умар Форуқ Сайдо ал-Жазарий. Тасаввуф сирлари. 2-китоб. Тошкент, «Мовароуннаҳр», 2005.
11. Нажмидин Комилов. Тасаввуф. Тошкент, «Мовароуннаҳр», «Ўзбекистон», 2009.
12. Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. Тошкент, Fafur Fулом номидаги «Адабиёт ва санъат» нашриёти, 1991.
13. Машраб. Девон. Нашрга тайёрловчи Жалолиддин Юсуфий. Тошкент, «Янги аср авлоди», 2006.
14. Ўзбек ҳалқ мақоллари. Тошкент, «Фан», 1987.
15. Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Ҳикматнома. Ўзбек мақолларининг изоҳли лугати. Ўзбек қомуси бош таҳририяти. Тошкент, 1990.
16. Аъзам Ўқтам. Қирғинчи баҳор. Тошкент, 1993.

МУНДАРИЖА:

| | |
|--|-----|
| Сўзбоши..... | 3 |
| Биринчи дарс. Бемор жория..... | 7 |
| Иккинчи дарс. Мажнуннинг Лайлиси..... | 12 |
| Учинчи дарс. Ўзидан қочиши..... | 16 |
| Тўртингчидарс. Нафс ваҳший арслон кабидир..... | 22 |
| Бешинчи дарс. Тўтиқуш ҳикояси..... | 27 |
| Олтинчи дарс. Кекса чолғучи..... | 31 |
| Еттинчи дарс. Бадавий ва хотини..... | 35 |
| Саккизинчи дарс. Бадавийнинг армуғони..... | 39 |
| Тўққизинчи дарс. Тилшунос ва қайиқчи..... | 43 |
| Ўнинчи дарс. Вужудига игна билан расм солдирган одам..... | 47 |
| Ўн биринчи дарс. Карнинг bemor зиёрати..... | 52 |
| Ўн иккинчи дарс. Кўнгил ойнаси..... | 57 |
| Ўн учинчи дарс. Ҳазрат Алиниң душманни ўлдирмаганлари..... | 61 |
| Ўн тўртингчидарс. Гўзаллик ва хунуклик..... | 68 |
| Ўн бешинчи дарс. Чўпон ва ҳазрат Мусо..... | 72 |
| Ўн олтинчи дарс. Қариянинг шикояти..... | 77 |
| Ўн еттинчи дарс. Туякаш ва файласуф..... | 83 |
| Ўн саккизинчи дарс. Бир-бирини тушунмаган тўрт кишининг жанжали..... | 87 |
| Ўн тўққизинчи дарс. Фил билан боласи..... | 93 |
| Йигирманчи дарс. Фил нима..... | 97 |
| Иккинчи китобдаги дарс мавзулари..... | 101 |
| Фойдаланилган адабиётлар..... | 102 |

Маърифий нашр

Жалолиддин Румий

МАСНАВИЙ ҲИКОЯЛАРИДАН ДАРСЛАР

**40 ҳикояга
40 шарҳ**

Биринчи китоб

Муҳаррир:
Акрам Декон

Мусаҳҳиҳлар:
Алишер Рўзиматов
Зухра Ҳамдамова

Техник муҳаррир:
Файзулло Азизов

Рассом:
Абдулбоқеъ Имомхон ўғли

Босмахонага 2010 йил 15 февралда топширилди.

Босишга 2010 йил 22 февралда рухсат этилди.

Бичими: 60x84 1/₁₆. «Virtec Baltica Uz» гарнитурасида
оффсет босма усулида босилди.

6,5 шарт. б.т. 6 ҳисоб нашр. таб.

Адади 1000 нусҳа 19-сон буюртма.

«Муҳаррир нашриёти»

«Муҳаррир нашриёти» матбаа бўлимида чоп этилди.
100060, Тошкент шаҳри, Элбек кўчаси, 8-үй

Жалолиддин РУМИЙ

**МАСНАВИЙ
ХИКОЯЛАРИДАН
ДАРСЛАР**

40 хикояга
40 шарҳ

1

ISBN 978-9943-354-71-5



9 789943 354715